Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2016-YIL 24-MART, PAYSHANBA, **12 (644)-SON**

e-mail: **xxi_asr@umail.uz**, web sayt: **www.21asr.uz**

**ПАРТИЯ ҲАЁТИ**
Таъсирчан сиёсий технологиялар воситасида 4

**ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА**
Жиддий сабоқ вазифасини ўтади 5



**ЖАРАЁН**
Бахти кулган авлодмиз 6

# ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

КУНИ КЕЧА 12-ШАҲРИХОН САЙЛОВ ОКРУГИДАН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛАНГАН ДЕПУТАТ, ПАРЛАМЕНТ ҚУЙИ ПАЛАТАСИДАГИ O`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ РАҲБАРИ СОДИҚЖОН ТУРДИЕВ ЎЗ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ҳамда мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларининг мазмун-моҳияти, шунингдек, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлашда партия фракцияси олдидаги муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

С.Турдиев суҳбат давомида мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги таркибий ўзгартиришларни давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, мазкур субъектларнинг манфаатларини ишончли ҳимоялаш масалалари O`zLiDeP-нинг диққат марказида эканлигини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда, шунингдек, O`zLiDeP томонидан баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш, юртимизда соғлом фарзандлар дунёга келиши ва камол топиши учун зарур шароитлар яратишга қаратилган аниқ мақсадли ишлар амалга оширилаётгани ҳақида сўз борди. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишда O`zLiDePнинг фаол иштироки, партия депутатлик корпусининг оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир қонунчиликни янада такомиллаштиришдаги ролини кучайтириш лозимлиги қайд этилди. Жумладан, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш, Жиноят кодексига 3 ёшга тўлмаган фарзанди бўлган аёлларга нисбатан жавобгарликни янада либераллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш партия фракциясига ҳам жиддий масъулият юклаши хусусида сўз юритилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашув давомида депутат сайловчиларнинг барча саволларига жавоб берди. Электорат вакиллари томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар тингланди.

*Давоми 2-саҳифада.*



# Яйловлар ҳақидаги қонунга эҳтиёж

**Мамлакатимиз чўл минтақаси яйлов чорвачилиги ривожланаётган йирик ҳудудлардан иборат. 32 миллион гектарни ташкил қилувчи мазкур майдонларнинг аҳамияти беқиёс. Жумладан, чўл ва ярим чўл яйловларидаги ўсимлик оламининг биологик хилма-хиллиги озуқанинг тўйимлилигини таъминлайди. Шунингдек, бу жойларда йилнинг барча мавсумларида чорва моллари учун озуқа топилади. Лекин пала-партиш, режасиз фойдаланиш оқибатида кейинги йилларда табиий яйловларда кўплаб салбий ҳолатлар кузатиляпти. Қишлоқларнинг кенгайиши, чорва ҳайвонларининг кўпайиши ҳам яйловларга таъсир кўрсатмоқда. Чунончи, бута ва ярим буталарнинг турли эҳтиёжлар учун чопиб олиниши туфайли ўсимликларнинг уруғдан кўпайиш хусусияти анча чекланиб қолаяпти. Бугунги кунда ҳар бир қишлоқ атрофидаги яйловлар 5-7 км радиусда таназзулга учраган.**

2

**МУНОСАБАТ**

# Манфаатлар мувозанати ва ҳудудлар тараққиёти

**Маълумки, Президентимизнинг 2016 йил 22 февралдаги «Ҳудудларни комплекс ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари таркибида Ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармалари, туманларда эса худди шундай бўлимлар ташкил этилди. Парламент қуйи палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоларининг қуйидаги фикрлари янги тузилма олдига қўйилган долзарб вазифалар ва улар ижросининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги муҳим аҳамияти хусусида.**

## МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИКЛАР МАСЪУЛИЯТИ КУЧАЙТИРИЛДИ

**Клара ЖУМАМУРАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси:**

— Энг аввало, фракциямиз аъзолари мазкур қарорни давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш ҳамда либераллаштириш жараёнини янги босқичга кўтариш, жойлардаги ижроия ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш, уларнинг минтақаларни тараққий эттириш билан боғлиқ ишларни бажаришдаги масъулиятини оширишга қаратилган ҳужжат сифатида эътироф этишганини алоҳида таъкидламоқчиман.

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» қоидаларига мувофиқ 2011-2014 йилларда амалга оширилган конституциявий ислоҳотлар, яъни давлат бошқарувининг энг муҳим тамойиллари – қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимияти тармоқларининг мустақиллиги ва тенглиги кафолатланганлиги, улар ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ҳамда манфаатлар мувозанати тизими самарали ишлашини таъминлайдиган механизмлар яратилганлиги ҳудудларни комплекс ривожлантиришда ҳам мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Маҳаллий ижро органларининг мустақиллигини ва айни вақтда вакиллик органи олдидаги масъулиятини кучайтириш мақсадида Конституцияга киритилган ўзгартишлар ҳам фикримизнинг далили бўлиши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг навбатдаги қарори эса жойлардаги ижроия ҳокимиятининг ваколатларини сезиларли даражада кенгайтириши баробарида уларнинг аҳоли фаровонлигини таъминлаш, ҳудудларни комплекс ривожлантиришдаги жавобгарлигини янада кучайтиришга қаратилгандир. Зеро, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, таъбир жоиз бўлса, ўша жойдаги ҳолатдан яхши хабардордир. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, турли тармоқларни модернизациялаш жараёнлари, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришга йўналтирилган истиқболли лойиҳалар ҳақидаги маълумотлар ҳам, энг аввало, маҳаллий ҳокимликларда жамланади. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бошқарув аппарати тузилмасидаги Иқтисодиёт бош бошқармалари негизида Ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармалари ташкил этилгани эса ана шу маълумотларни чуқур таҳлил қилиш имконини яратди. Кези келганда қайд этиш жоизки, бу тузилмалар ҳокимликларга тўғридан-тўғри бўйсунади ва уларнинг раҳбарлари Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳокимлар томонидан тайинланади.

Мазкур бошқармага юклатилган вазифалар қарорда аниқ белгилаб берилгани ҳам эътиборга молик. Жумладан, ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражасини тизимли асосда таҳлил қилиб бориш, мавжуд номутаносибликлар, захиралар ва ишлаб чиқаришга жалб этилмаган минерал хомашё, меҳнат ва ишлаб чиқариш салоҳиятини аниқлаш, мамлакатни истиқболда стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудларни комплекс тараққий эттиришнинг жорий ва ўрта муддатли дастурларини тайёрлаш, тармоқ тузилмалари билан биргаликда минтақаларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлашда замонавий технологиялардан фойдаланиш асосида экспорт ҳажми ва турларини кўпайтириш масалаларини келтириб ўтиш мумкин.

*Давоми 3-саҳифада.*

**НАВРЎЗ ШУКУҲИ**

# Тинчлик — фаровонлик йўлдоши

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА НАВРЎЗ ҲАҚИҚИЙ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА, ВАТАНИМИЗ ТИНЧЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ ВА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИНЪИКОСИГА АЙЛАНИБ, МИЛЛАТИ, ТИЛИ ВА ДИНИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, ШУ МУҚАДДАС ЗАМИННИ СЕВИБ, АРДОҚЛАБ, КЎЗ ҚОРАЧИҒИДЕК АСРАБ КЕЛАЁТГАН БАРЧА ВАТАНДОШЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН КЕНГ НИШОНЛАНАЁТГАНИГА БУТУН ДУНЁ АҲЛИ ГУВОҲ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАГАНИДЕК, НАВРЎЗ ҚАДИМИЙ, АСЛ МИЛЛИЙ, ҲАР ҚАНДАЙ СИЁСАТДАН ЙИРОҚ, ЭНГ СЕВИМЛИ, ЭНГ ГЎЗАЛ БАҲОР БАЙРАМИДИР.



***Виктор ПАК,***
*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси*

Наврўз инсонпарварлик, тинчлик ва осойишталик ғоялари билан йўғрилганини таъкидлаш лозим. Бугунги кунда халқаро майдонда тобора авжига чиқаётган сиёсий кескин вазият, турли кўринишдаги қарама-қаршиликлар шароитида Наврўзнинг тинчликпарвар аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Биз, O'zLiDeP аъзолари ҳам Наврўзнинг инсонпарварликка йўғрилган қадр-қиммати ва ўлмас анъаналарини асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказишимиз, қолаверса, бу каби ўзига хос урф-одатларнинг бардавомлигини таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Наврўз билан боғлиқ удум ва анъаналар, энг аввало, Шарқ халқлари, жумладан Ўзбекистон халқининг ҳаётида муҳим ўрин тутгани, янада чуқур маъно ва мазмун билан бойиб бораётгани катта аҳамиятга эгадир. O'zLiDeP фаоллари, бир сўз билан айтганда, барча сафдошларимиз эзгулик ва бағрикенглик, инсонпарварлик ва саховатпешалик каби боқий қадриятларни ўзида мужассам этган бу гўзал байрамни кенг нишонлаш билан бирга, тарғиб этишда ҳам ўз ҳиссасини қўшаверади.

O`zLiDePнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси номидан юртдошларимизни аждодларимизнинг беқиёс мероси бўлган Наврўз айёми билан чин юракдан табриклайман. Эътиборлиси, партиянинг жойлардаги фаоллари, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати вакиллари янгиланиш фаслини янгидан янги муваффақиятлар, истиқболли режалар билан кутиб олишди.

*Давоми 2-саҳифада.*

**O`zLiDeP ва ёшлар:**

# Истеъдод, имконият, истиқбол

**Бир неча йилдан буён O`zLiDeP томонидан амалга ошириб келинаётган партиявий лойиҳалар ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиши баробарида уларни кичик бизнес ва фермерликка жалб этиш, ҳуқуқий-иқтисодий билим ва кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба» сингари қатор истиқболли лойиҳалар навқирон авлод вакилларининг хусусий тадбиркорлик соҳасига қизиқишини кучайтириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир. Ёшлар билан ишлаш йўналишида Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида уюштирилаётган партиявий тадбирларнинг қисқача таҳлили ҳам юқоридаги фикримизга мисол бўлиши мумкин.**

## ЛОЙИҲА МУВАФФАҚИЯТИНИНГ РАҚАМЛАРДАГИ АКСИ

O`zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши ҳар йили «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасини амалга оширар экан, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг инновацион ташаббусларини иқтисодиётнинг реал секторига жорий этиш бўйича таклифларни умумлаштириш, шунингдек, ёшларни таълимдан кейинги даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка йўналтириш масаласига алоҳида эътибор қаратади.

*Давоми 4-саҳифада.*



Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 2016 йил учун «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетасига обуна давом этмоқда.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0-371) 215-63-80

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 23 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2179,67 | 1 Канада доллари | 2197,73 | 1 Туркия лираси | 1002,92 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4129,89 | 1 Хитой юани | 442,40 | 1 Швейцария франки | 2962,73 |
| 1 Дания кронаси | 433,47 | 1 Россия рубли | 41,74 | 1 ЕВРО | 3217,60 |
| 1 БАА дирҳами | 781,88 | 1 Украина гривнаси | 107,96 | 10 Жанубий Корея вони | 24,85 |
| 1 АҚШ доллари | 2871,77 | 1 Малайзия ринггити | 713,84 | 10 Япония иенаси | 256,48 |
| 1 Миср фунти | 323,40 | 1 Польша злотийси | 759,21 | | |
| 1 Исландия кронаси | 22,97 | 1 СДР | 4035,21 | | |

# Фракция фаолияти

*Ўз сайловчилари билан юзма-юз мулоқотда бўлган Тўлқин Эшназаров Президентимиз Ислом Каримовнинг «Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир» номли маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш ҳамда халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилишини таъкидлади.*

## Депутатлар сайловчилар ҳузурида

**Давоми.** Бошланиши 1-саҳифада

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида фракциямиз аъзоси Расул Кушербаев ўз сайловчилари билан учрашди. Унда Янгийўл шаҳрининг «Наврўз», «Файзобод», «Нодирабегим», «Мезон», «Назарали Ниёзов», «Саида Султонова», «Муқимий» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида истиқомат қилувчи юртдошларимиз, кўплаб тадбиркорлар, фермерлар ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари иштирок этишди.

Ушбу мулоқотларда Р. Кушербаев «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича тўхталиб, сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

***

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига пойтахтимиздан сайланган O`zLiDeP фракцияси аъзоси Раҳматулла Каримов билан учрашув Тошкент педагогика коллежида бўлиб ўтди.

Савол-жавоб тарзида уюштирилган ўзаро мулоқотда мамлакатимизда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар хусусида сўз борди. Коллеж ёшлари мавзу юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини билдириб, саволларига жавоблар олишди.

***

Каттақўрғон туманидаги кўп тармоқли «Шаҳбоз» фермер хўжалигида жам бўлган сайловчилар O`zLiDeP фракцияси аъзоси Рустам Қобуловни самимий кутиб олишди. Унда депутат мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар тўғрисида, шунингдек, парламент томонидан кейинги йилларда қабул қилинган қонунлар ва уларнинг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш учун яратиб берилган кенг имкониятлар хусусида йиғилганларга атрофлича маълумот берди.

Пастдарғом ва Ургут туманларида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари Тўлқин Эшназаров, Адҳам Шодмонов ва Меҳриддин Муҳаммадиевлар ҳам сайловчилар қабулида бўлишди.

Жумладан, ўз сайловчилари билан юзма-юз мулоқотда бўлган Тўлқин Эшназаров Президентимиз Ислом Каримовнинг «Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир» номли маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш ҳамда халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилишини таъкидлади.

— Сайловчилар билан бундай учрашувларнинг мунтазам равишда ўтказилаётганлиги жойлардаги айрим муаммоларни аниқлаш, фаолиятимизни янада жонлантириш, аҳолининг талаб-истакларини ижобий ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, – дейди А. Шодмонов.

***

— Фаолиятимиз доирасидаги тарғибот ишларида, аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, Юртбошимизнинг сўнгги бир йил давомидаги дастурий маърузалари мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказиш эътиборимиз марказида турибди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Исломжон Зокиров. — Қувонарлиси, бугунги сайловчи юрт тақдири учун ўзини дахлдор деб билади. Буни улар томонидан билдирилаётган таклиф ва тавсиялардан ҳам билиш мумкин.

Хусусан, Тошлоқ туманининг «Ахшак» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Қақир» ва «Терак таги» маҳаллаларидаги сайловчилар билан ўтказилган учрашувларда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмолини чеклашга доир қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш борасида бир қатор таклифлар билдирилди.

**«XXI asr» мухбирларининг хабарлари асосида тайёрланди.**

## Тинчлик — фаровонлик йўлдоши

**Давоми.** Бошланиши 1-саҳифада



*Жамол НОСИРОВ,*
*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси:*

— Осойишталик, хотиржамлик бўлган жойдагина шодмонлик, хурсандчилик татийди. Бинобарин, барқарорлик таъминланган мамлакатда фуқаролар ўз олдига юксак ва олижаноб мақсадларни қўяди, уларга босқичма-босқич эришишга интилади. Ватан равнақи йўлида бор илму иқтидори ва салоҳиятини намоён этади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзини тинглар эканман, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим: **«... агарки, бугунги кунда халқаро майдонда тобора авжига чиқаётган кескинлашув, можаро ва қарама-қаршиликларни, ҳали-бери давом этаётган қон тўкишларнинг олдини олиш, пайдо бўлаётган муаммоларни фақатгина тинчлик ва сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилишга қайтсак, халқимиз ибораси билан айтганда, олам гулистон бўларди»**, дея айтган сўзлари замирида бир олам ҳикмат бор.

Партиямиз фаоллари ҳам ушбу эзгу ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. O`zLiDeP ўзининг Сайловолди платформаси орқали умумэътироф этилган халқаро меъёр ва тамойилларга, тинчлик ва барқарорликни сақлаш принципларига содиқлик, ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид солмаслик, низоларни фақатгина тинч йўл билан ҳал этиш каби ғояларни олға суриб келмоқда.

Узоқ тарихга эга бўлган Наврўз байрами ҳақида гап кетганда ҳам юқоридаги фикрларни давом эттириш мумкин. Зотан, ушбу айём азал-азалдан бағрикенглик, яхшилик, саховат ва меҳр-мурувват рамзи бўлиб келган. Мамлакатимизда ҳукм сураётган бугунги осойишталикнинг тамал тоши ҳам айнан ушбу байрам билан бирга қўйилган десак, асло хато бўлмайди. Бундай дейишимизнинг сабаби истиқлол арафасида Давлатимиз раҳбари томонидан маданий-маърифий, умуман, маънавий ҳаётимизда туб бурилиш ясаган тарихий ҳужжат имзоланди. Хусусан, Президентимизнинг 1990 йил 3 майдаги Фармони асосида 21 март — юртимизда Наврўз умумхалқ байрами ва дам олиш куни, деб эълон қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, халқнинг эзгу урф-одатлари ва қадриятлари қайта тикланса, унинг эртанги кунга бўлган ишончи янада мустаҳкамланади.

Шундай экан, бугунги дориламон кунларнинг қадрига етиш, тинчликни кўз қорачиғидек асраш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш долзарб аҳамият касб этаётган таҳликали замонда доимо огоҳ ва сергак бўлиб яшаш энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлмоғи лозим.

*Мақсад ИСОБАЕВ,*
*Халқ депутатлари Чортоқ туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси:*

— Наврўз шарқона янги йилнинг дебочаси бўлиб, халқимизнинг бой анъаналари ва урф-одатлари, барҳаёт қадриятларини ўзида акс эттирган энг оммавий байрам саналади. Муҳтарам Президентимиз Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида ёшларга қаратилган мурожаати O`zLiDePнинг навқирон аъзоларини янада руҳлантириб юборди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, шиддат билан ўзгариб, тобора мураккаблашиб бораётган давр барчамизнинг, биринчи навбатда, ёшларнинг олдига замонавий билим ва касб-ҳунарларни, интеллектуал бойликларни чуқур эгаллаш, шу билан бирга, мамлакатимизнинг халқаро майдонда рақобатбардошлигини янги босқичга кўтариш, иқтисодиётимизни янгилаш, модернизация ва диверсификация қилиш каби вазифаларни қўймоқда.

O`zLiDePнинг ёш фаоллари номидан ишонтириб айтаманки, Ватанимизда бундан буён ҳам тинчлик ҳукм суриши, турмушимиз осойишта ва фаровон бўлиши, Ватанимизни барча хавф ва хатарлардан ҳимоя қилиш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга соламиз. Истиқлол фарзандлари деган шарафли номни муносиб оқлаш баробарида барча соҳаларда ривожланаётган давлатимизнинг янада равнақ топиши, тараққий этишига ўз ҳиссамизни қўшаверамиз.

## Яйловлар ҳақидаги қонунга эҳтиёж

**Давоми.** Бошланиши 1-саҳифада

Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ташаббуси билан ўтказилган «Ўзбекистонда яйлов чорвачилигини ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал жиҳатлари» деб номланган давра суҳбатида иштирокчилар ана шу муаммо ва уни ҳал қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни атрофлича муҳокама қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Комилжон Эрназаров қайд этганидек, таҳлиллар республикамизда яратилган тегишли норматив-ҳуқуқий база табиий ресурслардан фойдаланиш ва бошқариш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг бутун тизимини қамраб олганини кўрсатмоқда. Бироқ ҳозирги вазият юзага келаётган муаммоларни чуқурроқ ўрганиш, айрим қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, яйловлардан фойдаланиш ва бошқаришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, чўл ҳудудларида яшовчи аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилашни тақозо этмоқда.

Мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мос равишда табиий яйловлар тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Қатнашчилар мазкур қонун лойиҳасига киритилиши мумкин бўлган таклиф ва тавсияларни билдирдилар.

**Б.ИСРОИЛОВ.**

**С.Зоиров олган суратлар.**



**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.**

## Фракция муҳокамасидаги масалалар

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr» мухбири

Фракция аъзолари дастлаб истеъмолчилар ва давлатнинг маҳсулотлар ва хизматлар хавфсизлиги соҳасидаги манфаатлари мустаҳкам ҳимоя қилинишини таъминлаш, маҳсулотнинг синовлари ва ўлчовлари бўйича халқаро услубнинг қўлланилиши борасидаги янги қоидаларни назарда тутувчи «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Шу билан бирга, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Таъкидландики, мазкур қонуннинг қабул қилиниши геология-қидирув ишлари самарадорлигини янада оширишга ва ер ости бойликларидан фойдаланиш соҳасида рақобат муҳитни яратишга, шунингдек, республикамизнинг минерал-хомашё базасидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини кучайтиришга ёрдам беради.

— Фракциямиз эътиборига ҳавола этилган ҳар иккала қонун лойиҳаси ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Эркин Холбўтаев. — Хусусан, «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини олайлик. Бу ҳужжатга киритилаётган ҳуқуқий меъёрлар, энг аввало, аҳолининг истеъмол маданиятини юксалтириш, қолаверса, бу борада давлат манфаатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу боис қонунни якдиллик билан қўллаб-қувватладик.

Шунингдек, депутатлар мажлисда Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ депутатларнинг сайловчилар билан ўз сайлов округларидаги навбатдаги учрашувларини ташкил этиш ва ўтказиш масаласи шулар жумласидандир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси вакили Қаҳрамон Эргашевнинг таъкидлашича, учрашувлар чоғида сайловчилар эътиборига мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти, фракция ҳаётига доир масалалар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилади. Шунингдек, янги қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, уларнинг ижроси юзасидан олиб борилаётган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Йиғилишда сайловчилар билан учрашувларни самарали ташкил этиш учун депутатларни зарур ахборот материаллари билан таъминлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Мажлис якунида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан O`zLiDeP фракциясининг тегишли қарори қабул қилинди.

***

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг O`zLiDeP фракцияси масъуллигидаги Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан «Карантин тадбирларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муаммолари ва уларнинг ечимлари» мавзусига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Соҳага алоқадор вазирлик, эксперт ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда бугунги глобаллашув жараёнида аграр соҳадаги ислоҳотларни самарали йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Хусусан, ўсимлик маҳсулотларини экспорт ва импорт қилиш бўйича иқтисодий савдо муносабатларининг ва товарларни давлатлараро айрибошлаш жараёнининг кенгайиб бориши, хорижий давлатлардан ўсимлик уруғлари, мева-сабзавот, полиз экинлари ва манзарали ўсимликларнинг янги навлари кириб келиши ўсимлик ва унга мансуб фитосанитария назоратини, ташқи ва ички карантин тадбирларини янада кучайтиришни давр тақозо этмоқда. Бу борада айниқса, карантин объектлари ҳисобланган ҳамда қишлоқ хўжалигига катта иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган карантиндаги ва бошқа хавфли зараркунандаларни, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларни республика ҳудудига кириб келишининг олдини олиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, боғ ва токзорларни зараркунанда ва касалликлардан самарали ҳимоя қилмай туриб, улардан сифатли ва юқори ҳосил олиб бўлмаслиги барчага бирдек аён. Мутахассисларнинг фикрича, биргина олма қуртига қарши кураш олиб борилмаса, ҳосилнинг 50 ва ҳатто 70 фоизи нобуд бўлади.

Бу каби мисолларни яна давом эттириш мумкин, дейишди тадбирда сўзга чиққанлар. Масалан, бегона ўтлар кенг тарқалган йиллари маданий ўсимликларнинг ҳосилдорлиги ғаллазорларда 10, дуккаклиларда 13,4, ғўзада 7,5, картошкада 6, сабзавот экинларида 10,8 фоизгача пасайиши тажрибада кўп кузатилган.

— Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда ички ва ташқи карантин тадбирларини, фитосанитария назорати, ўсимликлар ҳимоясини халқаро ҳуқуқ нормалари талаблари асосида кенг кўламда ташкил этиш ва амалга ошириш муҳим масалалардан биридир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Рустам Қобулов. — Шу маънода мамлакатимиз ҳудудидаги ўсимликларни хориждан турли йўллар билан кириб келган ёки олиб келинадиган касаллик, ҳашарот, бегона ўтлар таъсиридан химоя қилишга, ушбу омиллар аниқланган тақдирда эса уларни йўқ қилиб ташлашга қаратилган давлат аҳамиятига эга бўлган чора-тадбирларни амалга ошириш, қолаверса, соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашимиз зарур.

Давра суҳбати давомида соҳа мутахассислари ҳамда олимларнинг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини янада такомиллаштириш, улардаги ҳаволаки нормаларни аниқлаштириш ва бошқа жиҳатларини кўриб чиқиш юзасидан таклифлари муҳокама қилинди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

# Муносабат

*Ўзбекистонда истиқлолнинг илк кунлариданоқ озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигини изчил ислоҳ қилишнинг аниқ йўналишлари белгилаб берилгани ва ўша даврда қанчалик қийин бўлмасин, истиқболли лойиҳалар амалга оширилгани, Президентимиз Ислом Каримов узоқни кўзлаб оқилона сиёсат юритгани бирдан-бир тўғри йўл бўлганини эндиликда шиддатли ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.*

# Манфаатлар мувозанати ва ҳудудлар тараққиёти

**Давоми.** Бошланиши 1-саҳифада

Йиғма бошқарманинг яна бир устувор вазифаси ҳудудий инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги объектларни ўз вақтида қуриш ва ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизациялаш жараёнининг бориши бўйича тизимли мониторингни йўлга қўйиш, пудрат ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш билан бевосита боғлиқдир. Бунда асосий эътибор экспортчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотлар экспортидаги иштирокини рағбатлантиришга қаратилаётгани O`zLiDeP учун ўз дастурий мақсадларини амалга ошириш ва электорат манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда янада қулай шароит яратилаётганидан далолат беради.

Бундан ташқари, саноат корхоналаридан фарқли равишда, хусусий сектор валюта тушумининг 50 фоизини банкларга сотиш мажбуриятидан озод этилганлиги партиямиз тарафдорлари саналган ишбилармон доираларнинг ташқи бозорга чиқиш йўлидаги интилишларини сезиларли даражада кучайтиради.

Янги тузилма, шунингдек, минтақадаги демографик жараёнларни – аҳолининг жинс ва ёш таркибини, бандлик даражасини ҳар томонлама таҳлил қилиб боради. Айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг турмуш даражасини ошириш, уй-жой шароитларини яхшилаш, тиббий хизмат кўрсатиш ва таълим тизимини такомиллаштириш бўйича маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда аниқ таклифлар тайёрлайди.

Шу ўринда мамлакатимизда 2016 йилда 990 мингдан ортиқ янги иш жойлари ташкил этиш режалаштирилгани, шундан 660 мингдан зиёди O`zLiDePга бевосита тааллуқли йўналишлар – кўп тармоқли фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ҳисобидан очилишини қайд этиш керак. Зотан, жорий йилда юртимиздаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларини 510 мингдан зиёд ўғил-қизлар битириши, уларнинг бандлигини таъминлаш партиямизнинг устувор вазифалари сирасидан эканлиги ҳар биримизни бу масалада хотиржамликка берилишга йўл қўймайди, деб ўйлайман.



Муайян вилоят, туман ва шаҳар ҳудудида 3-4 йилдан кейин қандай корхоналар ишга туширилиши ва қайси йўналишдаги мутахассис-кадрларга эҳтиёж юзага келишини бугун чуқур ўрганиш таълим муассасаларига қабул квоталарини белгилашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Модомики, йиғма бошқарма деб номланган янги тузилманинг таҳлиллари ҳар бир ҳудудда таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашда ҳам ўзига хос «йўл харитаси» бўла олишига шубҳа йўқ.

## ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

*Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,*
*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги*
*O`zLiDeP фракцияси аъзоси:*

— Давлатимиз раҳбарининг юқорида тилга олинган қарори асосида вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бошқарув аппарати тузилмасида янги ташкил этилган Ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаларининг долзарб вазифалари қаторидан аграр тармоқни янада тараққий эттириш, хусусан, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва экинларни мақбул жойлаштириш, соҳага замонавий агротехнологиялар ва сувни тежашнинг илғор усулларини жорий этиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган совутиш (музлатиш) қувватларини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш масалалари ҳам ўрин олган.

Бу бежиз эмас, албатта. Айни пайтда сайёрамиз аҳолисининг бир миллиардга яқини тўйиб овқатланмаётгани, бу борадаги муаммолар баъзи мамлакатларда тобора кескинлашаётгани озиқ-овқат хавфсизлигини ички имкониятлар ҳисобидан таъминлаш нақадар катта аҳамият касб этишини кўпчилик яхши англайди. Лекин аҳолининг сифатли ва арзон озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки сиёсий ҳодиса сифатида кун тартибига киришини бундан 20-25 йил аввал кам сонли раҳбарларгина кўра билган эди, холос.

Ўзбекистонда истиқлолнинг илк кунлариданоқ озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигини изчил ислоҳ қилишнинг аниқ йўналишлари белгилаб берилгани ва ўша даврда қанчалик қийин бўлмасин, истиқболли лойиҳалар амалга оширилгани, Президентимиз Ислом Каримов узоқни кўзлаб оқилона сиёсат юритгани бирдан-бир тўғри йўл бўлганини эндиликда шиддатли ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш ва қайта ишлаш, ички бозорни тўлдириш ва экспорт ҳажмини ошириш, интенсив боғлар барпо этиш билан боғлиқ қатор аниқ манзилли дастурларнинг ижобий натижалари хусусида кўп гапириш мумкин. Бироқ эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш, яъни ҳар бир ҳудуддаги шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда аграр-индустрия йўналишида ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш замон талабидир. Ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармалари мутахассисларининг самарали фаолияти ана шу талабларга мос таклифлар тайёрлашда айни муддао бўлади.

Фракциямиз аъзоларининг фикрича, чуқур таҳлилларга асосланган бундай таклифлар соҳадаги ислоҳотларнинг мантиқий ва тадрижий давоми сифатида унинг муваффақиятини таъминлайди.

Маълумотларга кўра, ҳозир юртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар сони 10 мингдан ошган. Озиқ-овқат саноатининг республика умумсаноатидаги улуши эса 17 фоизга етди. 1990 йилда мамлакатимиз аҳолисининг гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи асосан импорт ҳисобига қондирилган бўлса, эндиликда бу эҳтиёжнинг 96 фоизи ички имкониятлар эвазига қопланмоқда.

Биргина 2015 йилнинг ўзида 12,592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1,850 минг тонна полиз, 1,556 минг тонна узум, 2,731 минг тонна мева етиштирилди. Ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та совутиш камераси ташкил этилди.

Мавзуга оид яна бир таққос: 90-йиллар бошида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари фақат 5 та давлатга экспорт қилинган бўлса, бугунги кунда улар 80 дан ортди.

Муҳтарам Юртбошимизнинг 2015 йил якунлари ва 2016 йилдаги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида яқин беш йил давомида пахта етиштириш ҳажмини қисқартириш ҳисобидан сабзавот ва картошка қаторида озуқа экинлари, ёғ-мой олинадиган ва бошқа ўсимликлар экилиши, боғ ва узумзорларнинг янада кўпайтирилиши алоҳида таъкидлангани эса биз сўз юритаётган йиғма бошқармалар таҳлиллари истиқболли лойиҳаларни ҳудудларга мос тарзда ишлаб чиқиш ва жорий этишда долзарб ўрин тутишидан далолат беради. Бу эса O`zLiDeP электоратининг салмоқли қисмини ташкил этувчи фермерлар манфаатига хизмат қилиши билан бирга, партиямиз дастурига мослиги ҳамда ғоявий мақсадларига ҳамоҳанглиги билан эътиборга лойиқдир.

Шу билан бирга маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш йўналишида олиб борилаётган фаолиятни янада такомиллаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг жойлардаги ижроси юзасидан назоратни кучайтириш, унинг бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан номутаносиб нормаларини таҳлил қилиш, бу борадаги жаҳон тажрибасини танқидий ўрганиш ҳам кечиктириб бўлмайдиган масалалар сирасига киради.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг «Ҳудудларни комплекс ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида кўрсатилган устувор йўналишлар бўйича нафақат ижроия ҳокимияти, балки биз — депутатлар ҳам галдаги муҳим вазифаларимизни белгилаб олдик. Энг аввало, ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, амалдаги қонунчиликка ўз вақтида тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш баробарида унинг ижроси устидан кучли парламент ва депутатлик назоратини ўрнатишимиз лозим. O`zLiDeP фракцияси аъзолари шу йўл билан ҳудудларни комплекс ривожлантириш жараёнида фаол иштирок этишни мақсад қилган. Зеро, ҳар бир депутат мамлакатимизнинг муайян бир ҳудуди – сайлов округининг бевосита вакили, ўша ердаги сайловчилар манфаатининг ифодачисидир.

**Озод РАЖАБОВ ёзиб олди.**

---

**Ўзбекистон миллий матбуот марказида «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси тизимидаги корхоналар томонидан қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, уларни сақлаш учун яратилган замонавий омборлар, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида» матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

## Янги логистик марказлар барпо этилади

Тадбирда асосий эътибор Президентимизнинг 2015 йил 29 декабрдаги «2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан ташкил этиладиган логистик марказларга қаратилди. Анжуманда сўз олган уюшма раисининг ўринбосари — Р.Ҳамидбеков логистик марказларнинг аҳоли фаровонлигини ошириш йўлидаги афзалликлари тўғрисида йиғилганларга батафсил маълумот берди. Логистик марказ — ўзида замонавий совуткичли сиғимлар, улгуржи база, лобаратория, ишлаб чиқариш ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш цехлари, шунингдек, юк машиналари учун кенг майдонли тураргоҳ ва бошқа захира сақлаш билан боғлиқ улкан комплексни назарда тутади. Мажмуалар аҳолини истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш ва ички бозорни рақобатбардош моллар билан тўлдириш мақсадида бунёд этилмоқда.

Жорий йилда Андижон, Наманган, Фарғона, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида логистик марказлар ташкил этилиши кўзда тутилган.

**Ўз мухбиримиз.**

---

# Тажриба алмашилди, таклифлар берилди

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИДА O`zLiDeP ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН «ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ БАЖАРИЛИШИДА O`zLiDeP ТУЗИЛМАЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАРИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ» МАВЗУСИДА ЎҚУВ-СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI asr» мухбири

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси вакиллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд ҳудудий бўлинмаси мутахассислари ҳамда партия вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари маъсул ходимлари, партиянинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, БПТ раислари ва партия фаоллари қатнашдилар. Мазкур йиғилишда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳудудларда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий янги корхоналарни ташкил этиш ва мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга доир инвестиция лойиҳалари устидан таъсирчан депутатлик назоратини амалга ошириш юзасидан фикр билдиришди.

Бу борада партиядан халқ депутатлари вилоят, туман шаҳар Кенгашларига сайланган 194 нафар депутат, 411 нафар партия вилоят, туман (шаҳар) Кенгаши масъул раҳбарлари ҳамда 1010 бошланғич партия ташкилотлари раисларининг амалий фаолияти ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, жорий йилда вилоятда 2016 йилда Инвестиция дастури асосида жами 3,1 триллион сўмлик инвестициялар жалб қилиниши режалаштирилган бўлса, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурига мувофиқ қиймати 909,3 миллиард сўмга тенг бўлган 1872 та лойиҳа амалга оширилади ва 17993 та янги иш ўринлари яратилади.

— Зиммамизга электорат манфаатларини ифода этадиган, жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ривожига халақит бераётган барча тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга қаратилган қонунлар, давлат ҳужжатлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳалар ижроси устидан таъсирчан депутатлик назоратини ташкил этиш юкланмоқда, — дейди халқ депутатлари Пастдарғом туман кенгаши депутати Нигора Саъдинова. — Бугунги тадбир бизни бажарган ишларимиз ва режаларимизни қайта кўриб чиқиш ва тажриба алмашишга имкон яратди.

Тадбир ўқув машғулотлари билан давом эттирилиб, депутатлик гуруҳи аъзолари мутасадди ва масъул ижро этувчи идоралар раҳбарларининг қонунлар, давлат дастурлари ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси юзасидан эшитувларини ташкил этишнинг муҳим ва таъсирчан усулларини ишлаб чиқиш, қуйи тузилмалар ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг жойлардаги муаммоларини ўрганиш ва амалдаги қонунлар асосида ҳал этиш бўйича ўзаро тажриба алмашишди. Шундан сўнг депутатлар, партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари раҳбарлари ва БПТлари аъзолари гуруҳларга бўлинган ҳолда белгиланган мавзуга доир режалар ва таклифлар ишлаб чиқиб, иштирокчилар эътиборига тақдим этишди.

---

## ХАБАРЛАР, янгиликлар

**Қорақалпоғистон Республикаси.** Жорий йили 93 минг 700 гектар майдонга уруғ қадашни режалаштирган уста деҳқонлар – фермерлар мавсум бошлангани муносабати билан Амударё туманидаги Оқ олтин овулида фаолият кўрсатаётган «Назокат-Шокир» фермер хўжалигида йиғилиб, ўзаро фикр алмашдилар. Кўргазмали семинар тарзидаги мазкур анжуманда чигит экишни уюшқоқлик билан ташкил этиш, бу борада техникадан унумли фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

• • •

**Бухоро** давлат университетида юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбир доирасида университетнинг реконструкция қилинган 3 минг 450 ўринли ўқув ва 1650 ўринли талабалар турар жойи бинолари фойдаланишга топширилди.

• • •

**Тошкент шаҳри**. Миллий матбуот марказида Давлат солиқ қўмитаси томонидан жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларини декларациялашнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадидан унинг аризасига кўра энг юқори ставка асосида солиқ ушлаб қолинган бўлса, декларация тақдим этилмайди, — дейди Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари Х.Шокиров. — Шунингдек, қонунга кўра, кўчмас мулкни – уй ва нотурар жойни ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланиши шарт. Ижара шартномасининг йўқлиги ёхуд унинг нотариал тасдиқланмагани Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

• • •

**Самарқанд вилояти**. «Ўзбеккино» миллий агентлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан Наврўз байрами муносабати билан ўзбек миллий кино санъати фестивали бўлиб ўтди. Тадбирда юртимиздаги таниқли кино ва театр актёрлари, режиссёрлар, санъатшунослар иштирок этди. Кинофестиваль доирасида жойларда ўтказилган учрашувларда томошабинлар ана шу фильмлар ҳақида ўз фикрини билдириб, янги таклиф ва ғоялар бераётир. Шу жиҳатдан фестиваль санъат аҳли учун мухлислар билан фикр алмашиш, келгуси ижодий режаларни белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этди. Фестиваль кунларида меҳмонлар Самарқанд вилояти шаҳар ва қишлоқларида ўтказилган Наврўз сайилларида қатнашди.

• • •

**Жиззах** политехника институтида Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасининг институт босқичи бўлиб ўтди. Унда олий таълим муассасасида фаолият юритаётган 17 та кафедра 20 дан ортиқ лойиҳа ва ишланмаларини намойиш этди. Чиқиндиларни гидравлик йўл билан транспортировка қилиш, ёғ-мой саноати иккиламчи технологияларидан фойдаланиб, сурков мойларини олиш, бамбук ўсимлигидан гигиеник тоза сочиқ ишлаб чиқариш, халқ хўжалигининг турли соҳаларида шамол электрогенераторларидан фойдаланиш технологияси каби ишланмалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Энг яхши лойиҳалар экспертизадан ўтказилгач, кейинги босқичга юборилади. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, май ойида пойтахтимизда ўтказиладиган IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси катологига институт олимлари томонидан яратилган 8 та лойиҳа киритилган.

• • •

**Наманган вилояти**. Муҳандислик-технология институтида шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда «Карьера кунлари – 2016» меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 60 дан зиёд корхона, ташкилот ва муассаса мавжуд бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмаркада талабалар таклиф этилаётган бўш иш ўринлари, меҳнат шароити, ишга жойлашиш учун қўйиладиган малака талаблари ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлдилар. Тадбирда иш берувчи ва ёшлар ўртасида 150 дан зиёд шартнома имзоланди.

***Партия матбуот хизмати ва «XXI asr» мухбирларининг хабарлари асосида тайёрланди.***

## O`zLiDeP ва ёшлар:

# Истеъдод, имконият, истиқбол

**Давоми.** Бошланиши 1-саҳифада

— Ўтган 2015 йилда вилоятдаги тижорат банклари томонидан 981 нафар битирувчига жами 15 млрд. 430 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди, — дейди партия Қашқадарё вилоят Кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Баҳодир Юсупов. — Уларнинг ўз бизнесини очиши натижасида 1102 та янги иш ўрни яратилди. «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида ўтказилган семинар-тренингларда фаол қатнашиб, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритган 108 нафар битирувчига эса жами 429 млн. 500 минг сўм миқдорида маблағ ажратилгани партиявий механизмнинг амалий самараси, десак муболаға бўлмайди.

— Мен ушбу лойиҳада тикувчилик цехи ва савдо хизмати кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш бўйича 10 млн. сўмлик бизнес-режам билан қатнашдим, — дейди коллеж талабаси Муниса Бахринова. — Унда камида 5 нафар тенгдошимни иш билан таъминлаш имкони бор. Ўйлайманки, мазкур ҳаракатлар ишбилармонликка қизиқиши баланд ёшларни кашф этиши баробарида оилавий тадбиркорлик ва бошланғич сармояларни шакллантириш кўникмаларини эгаллашга мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Партиявий лойиҳаларнинг Қашқадарёдаги қамровини тўлиқ тасаввур қилиш учун қуйидагича фикрлаш зарур: қисқа жумлага жамланган юқоридаги рақамлар бир лойиҳанинг биргина йўналиши самараси, холос. O`zLiDePнинг анъанавийлик ва мунтазамлик касб этган яна кўплаб лойиҳалари мавжудлиги, уларнинг туманлар кесимларидаги натижалари биз таъкидлаётган қамров ҳақида чиндан-да илиқ таассурот қолдириши тайин.



### АМАЛИЙ ИШНИНГ АМАЛДАГИ НАМОЁНИ

Худди шундай жараён Жиззахда ҳам қизғин давом этмоқда. Буни биргина O‘zLiDeP вилоят Кенгаши томонидан ташкил этилган «Ёшларнинг тадбиркорликка оид ҳуқуқий билимларини ошириш — тадбиркорлик ва фермерлик ривожининг муҳим омили» мавзуидаги очиқ мулоқотда билдирилган мулоҳазалар, келтирилган далиллардан ҳам билса бўлади.

— Бугунги тадбирда коллежларнинг 200 нафарга яқин битирувчиси ўзининг қандолатчилик, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сутни қайта ишлаш, иссиқхона ташкил этиш, тикувчилик, паррандачилик, чорвачилик, боғдорчилик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, маиший хизмат кўрсатиш каби қатор йўналишлар бўйича тайёрлаган бизнес-режалари билан иштирок этишди, — дейди O`zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Олим Норжигитов. — Алоҳида эътироф этиш жоизки, вилоятимизда 2010 йилдан буён ўтказилиб келинаётган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида 3052 нафар битирувчи қатнашиб, шулардан 216 нафари жами 1 млрд. 435 млн. 485 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит олиши, яъни партия тавсияси асосида молия муассасалари томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида 330 га яқин янги иш ўрни яратишди.

— O`zLiDeP томонидан ўтказилаётган турли тадбирлар ўз тадбиркорлигини ташкил этмоқчи бўлган ёшларга катта ёрдам бераяпти, — дейди Жиззах Саноат касб-ҳунар коллежи битирувчиси Зуҳра Олимжонова. — Мен яшаётган туманда қандолатчилик маҳсулотлари етказиб берадиган кичик цех ҳам йўқ. Ҳозирги кунда бизнинг ҳудудда тўйлар мавсумида, туғилган кун ва байрамларда қандолатчилик маҳсулотлари турли хил пишириқларга талаб жуда кучли. Аҳоли қандолатчилик маҳсулоти сотиб олиш учун ўн чақирим йўл босиб шаҳар марказига бориши керак. Шунинг учун ҳам мен «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасидаги семинар-тренингда қатнашганимда «Қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш» бўйича бизнес-режани амалга ошириш иштиёқи туғилди. Семинарда биз тадбиркорлик лойиҳаларининг банклар орқали молиялаштирилишининг ҳуқуқий асослари, кредит ва гаров ҳужжатларини расмийлаштириш, суғурталаш жараёнлари, солиқ имтиёзлари ҳақида маълумотлар олдик. Энг муҳими, Ташкилий қўмита менинг бизнес-режам тижорат банкларига молиялаштириш учун тавсия этилишини айтди. «Микрокредитбанк»дан ажратиладиган 6,5 млн. сўм миқдоридаги кредит эвазига махсус ускуна ва печлар харид қилиб, аҳолига қандолатчилик маҳсулотлари етказиб беришни йўлга қўйиш ниятидаман.

— «Ишбилармон талаба-2015» кўрик-танловида «Тикувчилик, тўқувчилик ишлари ва ўзбек миллий либослари дизайни»га бағишланган лойиҳам билан қатнашиб, республика босқичида биринчи ўринни эгалладим, — дейди Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Зилола Ўралова. — Кўрик-танлов доирасида биз ёшлар O`zLiDePнинг мақсад ва вазифалари, ғоялари, амалга ошираётган ишлари билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдик. Бу эса ёшларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш баробарида уларни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётда фаол бўлишга ундайди.

### УСТОЗ-ШОГИРД ТИКУВЧИЛИК МАКТАБИ

Газетамиз саҳифаларида кўпинча касб-ҳунар коллежларида таҳсил олиб, бизнесга интилаётган ёшлар ҳақида катта-кичик лавҳалар бериб борамиз. Лекин қуйидаги мухтасар ҳикоямиз ўқишни тугатгандан сўнг табиркорлик фаолиятини тўлақонли йўлга қўйган қиз хусусида.

У Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаоли, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳибаси Севара Очиловадир. Севара Жиззах уй-жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежининг тикувчилик, ишлаб чиқариш йўналишини тамомлаган. Ҳозирги кунда якка тартибдаги тадбиркор сифатида аёллар миллий либослари, эркаклар костюм-шими тикиш билан шуғулланади.

С. Очилова Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясидан Якка тартибдаги тадбиркор «Sevara Nur» устоз-шогирд тикувчилик мактаби сифатида давлат рўйхатидан ўтган.

Қаҳрамонимиз таълим олаётган даврида O‘zLiDePнинг «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида «Тикувчилик фаолиятини кенгайтириш ва эркаклар кўйлагини ишлаб чиқариш» бўйича бизнес-режаси билан қатнашиб имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни қўлга киритган эди. Айни пайтда аёллар миллий либослари, босма гулли кўйлаклар, зардўз дўппилар, чойшаблар, эркаклар костюм-шими каби маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

«Sevara Nur» устоз-шогирд тикувчилик мактабида O`zLiDePнинг бошланғич партия ташкилоти ҳам очилган. Тикувчилик цехида 6 нафар ишчи фаолият юритади. Шу кунгача 40 га яқин шогирдлар чиқарган ва 10 нафари бугунги кунда мустақил тадбиркор сифатида фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунда 10 нафар қизларга тикувчиликни ўргатиб келмоқда.

Келгусида ўз фаолиятини янада кенгайтириб, 50-60 та иш ўринли кичик корхона очишни режалаштирган.

### КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Юртимизда ёшларни тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатига чорлаш, айни фаолиятга доир билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш долзарб вазифалардан бири.

O`zLiDeP Сардоба туман Кенгаши томонидан Сардоба ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида ўтказилган семинар-тренингда айнан шу ҳақда сўз юритилди. Шу ўринда айтиш жоизки, жорий йилда коллежни 109 нафар йигит-қиз тамомлайди.

Тадбирда сўзга чиққан Сардоба ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи директори З. Тожибоев ва туман Кенгаши аппарат раҳбари А. Аллаяров келгусида битирувчилар бандлигини таъминлашга қаратилган ишлар уюшқоқлик билан тизимли равишда олиб борилаётганини таъкидлашди.

— «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасидаги тадбирларда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш, кредит турлари ҳамда банк кредит сиёсати, кичик бизнес вакиллари учун жорий қилинган солиқлар ва яратилган солиқ имтиёзлари тўғрисида ҳамкор ташкилот мутахассислари кўмагида нафақат коллеж битирувчиларига, балки лойиҳанинг барча иштирокчиларига батафсил маълумотлар бериб келаяпмиз, — дейди А. Аллаяров. — Зеро, бугунги кунда коллеж битирувчи ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликка жалб этиш олдимизда турган муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, семинар-тренингда битирувчиларга бизнес режаларни тузиш, белгиланган тартибда давлат идораларидан рўйхатдан ўтиш, кредит ажратиш, солиқ тўловлари бўйича енгилликлар ва бу йўлда учрайдиган муаммоларни бартараф этиш юзасидан батафсил маълумот берилди.

### «МАҚСАДИМГА ЭРИШДИМ...»

Маълумки, O`zLiDeP ташаббуси билан ўтган йиллар мобайнида «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида бизнес-форумлар, семинар-тренинглар, ўқув-семинарлар каби тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Таъкидлаш керакки, бу каби амалий ишлар натижасида Сурхондарё вилоятида ўтган беш йилда 3000 дан зиёд коллеж битирувчилари қамраб олинган бўлиб, шулардан 180 нафарининг тижорат банкларида лойиқ, деб топилган бизнес-режалари қарийб 1 млрд. сўм миқдорда молиялаштирилди. Бунинг ҳосиласи ўлароқ, 231 та янги иш ўринлари яратилиб, ёшларнинг бандлиги таъминланди.

Биргина мисол, 2015 йил Ангор туман Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини тамомлаган Шайдуллаева Муяссар 2015 йилда O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши томонидан ўтказилган «Диплом билан бизнесга-2015» лойиҳасининг вилоят босқичида иштирок этиб, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат билан тақдирланди. Шу йилда 5 000 000 сўм миқдорида ҳудуддаги тижорат банкидан имтиёзли кредит олиб, безнес-режасига мувофиқ ўз иссиқхонасини ташкил қилди ҳамда оилавий тадбиркорликни йўлга қўйди. Бугунги кунда 5 нафар кишини иш билан таъминлаган.

— Бизнес-режамга асосан иссиқхонада помидор кўчатлари ўтқазиб даромад олиш, энг асосийси, мавсумдан олдин аҳолига помидор маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда қишлоқдаги тенгдошларимнинг иш билан бандлигини таъминлаш эди. Мен ўз олдимга қўйган мақсадимга эришдим. Бунинг учун Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг биз ёшларга ўз тадбиркорлигимизни бошлашимизга имкониятлар яратганидан миннатдорман, — дея ўз фикрларини билдирди Муяссар. — Олинган соф даромаддан келгусида аҳолига нафақат помидор, балки бошқа сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш ва бунинг баробарида яна қўшимча иш ўрни яратишни мақсад қилганман.

**Партия матбуот хизмати ва «XXI asr» мухбирларининг хабарлари асосида Ш.РАҲИМОВ тайёрлади.**

---

# Маҳалла оқсоқоллари ва депутатлар

## *ёшларнинг очиқ мулоқотида бевосита иштирок этишди*

**Мамлакатимизда навқирон авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етиши, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаши, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун етарли шароит яратилган.**

**O`zLiDeP Марғилон шаҳар Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Ёшлар — оммавий маданият ва мафкуравий таҳдидларга қарши!» мавзусидаги давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди.**

**Партия «Ёшлар қаноти» фаоллари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашига O`zLiDePдан сайланган депутатлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари иштирок этган тадбирда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, бугун бутун дунёда глобал муаммога айланган «оммавий маданият» иллатларига қарши ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш долзарб вазифа эканлиги хусусида фикр мулоҳазалар билдирилди.**

**Мулоқот давомида ёшларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофазалаш жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинди.**

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

---

# Таъсирчан сиёсий технологиялар воситасида

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛГАНИМИЗДЕК, O`zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИГА АСОСАН ЖОЙЛАРДА «ЛИБЕРАЛИЗМ ДАРСЛАРИ» ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА. УНИНГ НАВБАТДАГИСИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА БЎЛИБ ЎТДИ.

Партия вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Носиржон Абдуллаев семинарнинг мақсад ва вазифалари, сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат давом этаётган бир шароитда O`zLiDeP тузилмалари, шу жумладан, депутатларнинг янада фаолроқ бўлиши, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишда, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда таъсирчан сиёсий технологиялардан самарали фойдаланиш лозимлиги хусусида тўхталди.

O`zLiDeP вилоят Кенгаши Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Орифжон Маҳмудовнинг Ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий дастурларни муваффақиятли ижро этишда депутатлик гуруҳлари ва БПТларнинг ўрни» мавзусидаги маърузаси ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

— Ўтган йили O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари партия дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан қатор амалий ишларни бажаришди. Масалан, Халқ депутатлари Наманган вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан 90 га яқин назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилиб, 100 га яқин масала бўйича мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди. Тегишли идора ва ташкилотларга 409 та депутатлик сўрови йўлланиб, уларга асослантирилган тушунтиришлар олинди, — дейди О. Маҳмудов.

Тадбирда фаол қатнашган бир гуруҳ иштирокчиларга сертификат ҳамда партия сафига қабул қилинган 12 нафар янги аъзога гувоҳномалар топширилди.

**Рустамжон ҲАКИМОВ,**
**O`zLiDeP вилоят кенгаши**
**Мафкурафий ташвиқот-тарғибот ишлари бўлими мудири.**

***

O`zLiDeP Навоий вилоят Кенгашида ташкил этилган “Либерализм дарслари” жонли ва қизғин-баҳс мунозараларга бой бўлди.

— Бу каби семинарлар партия фаоллари ва депутатлар учун ниҳоятда фойдалидир, — дейди «Қизилтепа шарбати» МЧЖ раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Абдусалим Жалилов. — Семинарда таъкидланганидек, партиянинг «Биргаликда биз кучмиз!» шиори остида бирлашсак, ҳар қандай муаммо ва қийинчиликларни ижобий ҳал этамиз.

**Мансур АСЛОНОВ,**
**«XXI asr» мухбири.**

***

Худди шундай тадбир Андижонда ҳам бўлиб ўтди. Унда O`zLiDeP томонидан ўтказилган ушбу семинарлар келгусида партиядан сайланган депутатларнинг ўз сайловчилари олдидаги ҳисобдорлигини ошириш, жойлардаги муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни ижобий ҳал этишда бошланғич партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўқув-машғулотлари давомида депутатлик гуруҳи аъзолари мутасадди идоралар раҳбарларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси юзасидан эшитувларини ташкил этишнинг муҳим ва таъсирчан усулларини ишлаб чиқиш, бошланғич ташкилотларни жалб этган ҳолда жойлардаги муаммоларни ўрганиш ва уларни партиявий воситалар орқали ҳал этиш бўйича ўзаро тажриба алмашишди.

**O`zLiDeP Андижон вилояти Кенгаши**
**Матбуот хизмати.**

---

# Фермерликни ривожлантириш — долзарб вазифа

**Гулистон туманида O`zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши томонидан «Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш – кўп тармоқли фермер хўжаликларининг устувор вазифаси» мавзуида амалий мулоқот ўтказилди.**




**Дилноза НОМОЗОВА,**
«XXI asr» мухбири

Тадбирда O`zLiDePнинг «Фермер аёллар» партиявий лойиҳасининг асосий мақсади ҳамда юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мазмун-моҳиятини жамиятимизнинг энг илғор қатлами ҳисобланмиш фермер хотин-қизларга етказиш, уларнинг тажрибасини оммалаштириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини кўпайтириш, чекка қишлоқларда янги иш ўринлари яратиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Унда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва унинг парламентдаги фракцияси аъзолари, фермер, тадбиркор хотин-қизлар иштирок этишди.

— Юртбошимизнинг биз аёлларга билдираётган катта ишончи ҳар бир опа-сингилларимиз кўнглида ғурур уйғотиши ва елкасига катта масъулият юклаши шубҳасиз, — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова. — Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги кичик бизнес субъектларининг 120 мингдан зиёдини, фермер хўжаликларининг 4 минг 550 дан ортиғини хотин-қизлар самарали бошқариб келаётгани қувонарли, албатта.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишига, тадбиркорлик ва фермерликни кенг ривожлантиришга кўмаклашиш, аҳоли турмуш даражасини оширишга йўналтирилган ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар давомийлигини таъминлаб бориш O`zLiDeP дастурида белгилаб қўйилган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Партиянинг Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, турмуш тарзини яхшилаш, қишлоқ жойларда аёл фермерлар сонини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир.

---

# ҲУДУДЛАРДАН хабарлар

O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан **«Демократик ислоҳотлар муваффақияти — келажак кафолати»** мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди. Унда Жўқорғи Кенгес депутатлари, Адлия вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари ва ёшлар иштирок этишди.

Маълумки, Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида «Парламентнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, либерал ислоҳотлар тарғиботчисига айланишига эришиш энг асосий вазифа бўлмоғи зарур»лиги алоҳида таъкидлаган эди.

– «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаб ва тамойиллари сиёсий-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизациялаш соҳасидаги сиёсий ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги O’zLiDeP фракцияси аъзоси Алмагул Байриева. – Бу жараён айни пайтда ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда. Биз учун эътиборли жиҳати шундаки, унда партиядошларимиз фаол қатнашяпти.

• • •

Андижон давлат университетида «Хавфсиз интернет» лойиҳаси доирасида уюштирилган «Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётини кафолатлайдиган миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш» мавзуидаги мулоқот жамоатчиликда қизиқиш уйғотди. Тадбирда ёшларнинг интернет ресурсларидан тўғри фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш, уларда ахборот олиш ва узатиш маданиятини шакллантириш, ақлий-руҳий саломатлик, маънавий-аҳлоқий тарбияга таъсир кўрсатадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш каби муҳим масалалар юзасидан фикр алмашилди. Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O’zLiDeP фракцияси аъзоси А. Ҳамрақулов ва O’zLiDeP Андижон вилоят Кенгаши раиси ўринбосари А. Собиров мавзу юзасидан маъруза қилди.

• • •

Урганч шаҳар «Санжар» тўйхонаси биносида Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ҳамда партия Урганч шаҳар Кенгаши таркибидаги «Шодлик» МФЙ ҳудудида тузилган бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан Наврўз сайли ўтказилди. Тадбирда маҳалла фуқаролари, Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари, бошланғич партия ташкилотлари фаоллари, O`zLiDeP вилоят Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири М. Раҳимова, Мафкуравий, ташвиқот-тарғибот ишлари бўлими мудири Ш.Яқубова, Кенгаш ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Д.Қобулова ва O’zLiDeP Урганч шаҳар Кенгаши масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

• • •

Партиямизнинг Бухоро вилояти ва шаҳар Кенгашлари ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси фаолият олиб бораётган O`zLiDeP қуйи бўғини ташабуси билан бу ерда анъанавий баҳор байрамига бағишланган «Наврўз — умрбоқий қадриятлар асоси» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда сўз олган Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлинмаси катта мутахассиси Акмал Давлатов, O`zLiDeP вилоят Кенгаши БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Руслан Загретдинов ҳамда тилга олинган БПТ раиси Бахром Ҳусейнов ва бошқалар минг йиллик қадриятларимиз сифатида азал-азалдан нишонлаб келинаётган халқимизнинг севимли байрами Наврўз мустақиллик йилларида янгича мазмун-моҳият касб этгани, ёш авлодни миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

**Партия матбуот хизмати ва «XXI asr» мухбирларининг хабарлари асосида тайёрланди.**

12 (644)-son, 2016-yil 24-mart, payshanba

# Бошланғич партия ташкилотларида



ВОБКЕНТ ТУМАНИДА 1117 НАФАР O`zLiDeP АЪЗОСИНИ БИРЛАШТИРГАН 48 ТА ҚУЙИ БЎҒИНДА ШУ КУНЛАРДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛЯПТИ. ҲОЗИРГАЧА 21 ТА БПТДА МАЗКУР ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛИБ, ИККИТА ҚУЙИ БЎҒИНГА ЯНГИ ЕТАКЧИЛАР САЙЛАНДИ.

## Масъулиятни теран англаш лозим

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI asr» мухбири

Хусусан, «Мўминобод» МФЙ ҳудудида фаолият кўрсатаётган таянч тузилмада ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишида ўтган давр ичида янги аъзоларни жалб қилиш, партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб этиш, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари бажарилишига ҳисса қўшиш бўйича олиб борилган ишлар талаб даражасида эмас, деб топилди ва БПТ раисига ишонч билдирилмади. Унинг ўрнига хайрли ташаббуслари, ишчанлиги, ташкилотчилик қобилияти ва бошқа хислатлари билан кўпчилик ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган Ўткир Тошев сайланди. Янги етакчи ўз сўзида қуйи ташкилот фаолиятида аввал йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантиришга ваъда берди.

Йиғилишда Президентимизнинг 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар атрофлича муҳокама этилди. Хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, бошловчи тадбиркорлар учун тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар ажратиш сингари масалаларда партия туман ташкилоти ва маҳаллий кенгашга O`zLiDePдан сайланган депутатлар билан биргаликда иш олиб бориш зарурлиги қайд этилди.

— Вилоятдаги 575 та қуйи бўғиндан шу кунгача 263 тасида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилиб, 31 та БПТга янги етакчилар сайланди, — **дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш гуруҳи раҳбари Руслан Загретдинов.** — Бу йилги муҳим тадбирлар юқори савияда ўтказилаётганлиги партия ғоя ва мақсадларининг ҳаётга изчил татбиқ этилишида қуйи бўғинларнинг ҳам ўз ўрни борлигини, фаоллар зиммаларидаги масъулиятни теран англаётганликларини кўрсатиб турибди.

# Жиддий сабоқ вазифасини ўтади

**O`zLiDeP Дастури ва Сайловолди платформасида илгари сурилган мақсад ва вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш муҳим аҳамиятга эга. БПТларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлардаги фаоллиги эса кўп жиҳатдан партия аъзоларининг ташаббускорлиги, жонкуярлиги, дунёқараши, билим ва тажрибаси билан белгиланади. Шу боис O`zLiDeP Жиззах туман кенгаши таркибига кирувчи қуйи бўғинларда бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида партия сафига янги аъзоларни жалб қилинишида ана шу сифатларга алоҳида аҳамият бериш масаласи ҳам муҳокама этилаётир.**







**Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,**
«XXI asr» мухбири

Бугунги кунда Жиззах туманида фаолият кўрсатаётган 75 та БПТ тадбиркор ва фермерлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари, зиёлилар ва бошқа турли қатлам вакилларидан иборат 1820 нафар аъзони ўз сафига бирлаштирган. Диққатга сазовор томони — аъзоларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилмоқда.

Шу маънода ўринли бир савол туғилади: хўш, партиямизнинг таянч бўғини бўлган БПТлар фаолияти бугунги кун талаблари даражасидами?

«Учтепа» ҚФЙ ҳудудида ташкил қилинган қуйи ташкилот ҳисобот-сайлов йиғилишида мазкур масала асосий мавзулардан бирига айланди. Тадбирда БПТ аъзолари, партия туман Кенгаши аппарати ходимлари, депутатлар ҳамда электорат вакиллари иштирок этди.

— Албатта, барча бошланғич ташкилотлари фаолиятини кўнгилдагидек деб бўлмайди, — **дейди O`zLiDeP Жиззах туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Хуршида Ҳаиталиева.** — Бинобарин, сафимизга ғайратли, жонкуяр, энг муҳими — Ватани, эл-юрти тақдирига бефарқ бўлмаган ёшларни жалб қилган ҳолда уларнинг ибратли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири. Ҳаммамиз очиқчасига гаплашиб, муаммо ва камчиликлар ечимини биргаликда топишни мақсад қилиб олдик.

Йиғилганлар бу мақсадни дастлабки дақиқалардан тўлиқ ҳис қилишди, десак муболаға бўлмайди. Буни БПТ етакчиси, Татевик Даниеляннинг чиқишидан ҳам билса бўлади. БПТнинг ўтган йилги фаолиятини танқидий руҳда таҳлил қилиб берган етакчининг фикрларига муносабат билдирар эканлар, фаолларнинг кўпчилиги йўл қўйилган хатолар сабабларини ўз нуқтаи назарларидан келиб чиқиб талқин қилишга, шу асосда аниқ, асосли таклифлар билдиришга, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашишга эътибор қаратдилар.

Тадбирда мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, депутатлар, партия юқори органлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш шарти билан қуйи тузилма раиси қайта сайланди. Сўнгра Президентимизнинг 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқувчи устувор вазифалар ҳам белгилаб олинди.

— Ўтказилган тадбирнинг ўзига хос томони — унга партиямиз сафига кириш учун ариза топширган юртдошларимизни ҳам таклиф этдик, — **дейди O`zLiDeP туман кенгаши БПТлар билан ишлаш бўйича бош консультанти Элбек Раимқулов.** — Чунки бундай йиғилишлар улар учун ўзига хос тажриба мактабини ўтайди. Қолаверса, аъзолик гувоҳномаси ва кўкрак нишонининг сафдошларимиз, хайрихоҳларимиз олдида тантанали тарзда топширилиши янги маслакдошларимизнинг руҳиятини кўтариши билан биргаликда уларнинг зиммаларига олган масъулиятни янада чуқурроқ ҳис қилишларига ёрдам беради.

Дарҳақиқат, мазкур йиғилишда партия сафига кириш учун ариза берган 15 нафар йигит-қиз ўзига хос имтиҳондан ўтишди. Яъни, улар тадбир давомида нафақат йиғилганлар томонидан берилган саволларга жавоб беришди, балки тажрибали сафдошларининг баҳс-мунозараларида фаол иштирок этиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдириш имконига эга бўлишди. Шунингдек, янги таклифлар, ғояларни ҳам ўртага ташлашди. Жумладан, партия аъзолари учун сиёсий ўқувларни янада жонлантириш, тарғибот-ташвиқот ишларини ўтказишда интерфаол усуллардан фойдаланиш борасидаги мулоҳазалар кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланди. Айниқса, БПТларга бириктирилган депутатлар билан ҳамкорлик масаласига алоҳида урғу берилди.

— Бугунги кун мен учун ҳаётимдаги эсда қоларлилардан бири бўлиши шубҳасиз, — дейди Дилдора Жамолова. — Чунки O`zLiDeP аъзоси деган номга лойиқ кўрилдим. Маслакдошларимнинг ишончини оқлаш, олдимизга қўйилган дастурий мақсад ва вазифаларни ҳаётга жорий этиш учун бор билимимни, куч-ғайратимни сарфлашга ҳаракат қиламан.

Янги маслакдошларимизга билдирилаётган тилаклар, баҳс-мунозаралар, фикр-алмашувлар тадбирдан сўнг ҳам бир мунча муддат давом этди.

Ушбу ҳисобот-сайлов йиғилиши кўпчиликда илиқ таассурот қолдирибгина қолмай, иш фаолиятини такомиллаштириш учун жиддий сабоқ вазифасини ҳам ўтади, десак муболаға бўлмайди.




Янгилик ва ахборотлар билан газетамиз сайтида ҳам танишинг: **www.21asr.uz**


## Фаоллик ошиши зарур

Избоскан туманидаги «Мирзо Улуғбек» МФЙ ҳудудида ташкил қилинган O`zLiDeP қуйи тузилмаси ташаббуси билан «Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг аҳамияти» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётини либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш, давлат ва жамият қурилишини демократлаштиришнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш йўлида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги тўғрисида атрофлича сўз юритилди.

— Бу йўналишда партиямиз Дастуридан ўрин олган муҳим вазифалар асосида иш олиб бораяпмиз, — дейди O`zLiDeP Андижон вилоят кенгаши Мафкуравий ташвиқот-тарғибот бўлими мудири Хуршидахон Халилова.
— Хотин-қизларнинг фуқаролик жамиятини барпо этишдаги фаолликларини янада кучайтиришга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишга интилаяпмиз.

**Ўз мухбиримиз.**

## Марғилонда янги БПТ

Марғилон шаҳридаги «Niyat-shifo-medikal» МЧЖда партиямизнинг янги қуйи тузилмаси фаолият кўрсата бошлади. Унга мазкур хусусий клиника раҳбари Муҳаббатхон Исақова раис этиб сайланди.

— Муҳаббатхон ташаббускор, ғайратли, завқ-шавқ билан ишлайдиган, бошқаларни ҳам шижоат билан меҳнат қилишга илҳомлантира оладиган маслакдошларимиздан бири, — дейди O`zLiDeP Марғилон шаҳар кенгаши БПТлар билан ишлар бўйича етакчи консультанти Абдуманноб Маҳкамов. — МЧЖда 10 нафар сафдошимизни бирлаштирган бошланғич ташкилотнинг ташкил этилиши изчиллик билан олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасидир.

Эътиборлиси, жорий йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилингани БПТ аъзолари — 12 нафар олий ва ўрта тоифали тиббиёт ходимига катта куч-ғайрат бағишламоқда.

— Аёллар ва болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш кўламини янада кенгайтиришни режалаштирдик, — дейди М. Исақова. — Жумладан, аҳолининг ана шу тоифасига хизмат кўрсатиш борасида қўлланилаётган имтиёзларни кўпайтиришни мўлжаллаяпмиз. Умуман, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмонан соғлом, маънавий баркамол авлодни улғайтиришга муносиб ҳисса қўшиш асосий мақсадимиздир.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

# Ташаббускор қайта сайланди

Партия Устави талаблари асосида ҳар йили бир марта ўтказиладиган ҳисобот-сайлов йиғилиши БПТлар фаолиятини сарҳисоб қилиш ва келгуси режаларни белгилашга хизмат қилади. O`zLiDeP Кармана туман Кенгаши таркибидаги ўз сафларига 2580 нафар партиядошимизни бирлаштирган 64 та қуйи бўғинда ҳам айни кунларда ана шу муҳим жараён қизғин давом этмоқда.

— 2015 йилда тумандаги сафдошларимиз сони 15 нафарга, БПТлар сони эса 8 тага кўпайди, — дейди партия туман бўлими аппарати раҳбари Жонибек Шодмонов. — Маслакдошларимизнинг салкам 67 фоизини оловқалб ёшлар ташкил этаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Таянч тузилмаларнинг 60 фоиздан ортиғига эса айнан 35 ёшгача бўлган либерал ғоялар тарафдорлари раҳбарлик қилмоқда. Қизғин давом этаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида ёш етакчилар қайта сайланганганлиги айниқса



қувонарлидир.

Наргиза Маманова ҳам ёш бўлишига қарамай, кўпга бош бўлиб келаётган ташаббускор сафдошларимиздан бири. Унинг раҳбарлигидаги «Обод турмуш келажаги» фермер хўжалигида O`zLiDePнинг бошланғич ташкилоти ташкил этилганида бир овоздан ёш тадбиркорни раисликка сайлашганди. У ўтган даврда партия туман бўлими билан ҳамкорликда турли ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар уюштириб, мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини кенг қулоч ёйдириш, қишлоққа саноатни олиб кириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашга муайян ҳисса қўшишга муваффақ бўлди. Шунингдек, хўжаликда партиямиз аъзолари сони 10 нафардан ошди. O`zLiDeP фаолиятига қизиқувчилар, қўллаб-қувватловчилар кўпайди. Шу боис 2014 йил декабрь ойида маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар чоғида ташаббускор фермер, БПТ раиси Наргиза Мамpraвонанинг номзодини кўпчилик бир овоздан қўллаб-қувватлаган эди. У Халқ депутатлари Кармана туман Кенгаши депутати этиб сайланди. 2015 йилда эса серғайрат аёл O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан эълон қилинган «Ёш фермер» кўрик-танлови лойиҳасининг республика босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида Наргиза Мамановани нг маърузаси тинглангач, БПТ фаолиятига ижобий баҳо берилиб, уни яна раисликка қайта сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**Мансур АСЛОНОВ,**
**«XXI asr» мухбири.**

## O`zLiDeP УСТАВИДАН

Умумий йиғилишлар оралиғидаги даврда бошланғич партия ташкилоти фаолиятига раис раҳбарлик қилади. Бошланғич партия ташкилоти раисининг битта ўринбосари бўлади.

Аъзолари сони 30 кишидан ортиқ бўлган бошланғич партия ташкилотларида жорий фаолиятга раҳбарлик қилиш учун, заруратга кўра, бошланғич партия ташкилоти раиси, унинг ўринбосари ва бошқа аъзолари таркибида камида беш кишидан иборат Кенгаш сайланиши мумкин.

## Партиявий чорлов

Мамлакатимизда ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром руҳида камол топтириш, уларни маънавиятимизга ёт ғоялар таъсиридан асрашга алоҳида эътибор қаратилаётгани хусусида O`zLiDeP Хўжайли туман кенгаши ва фаол бошланғич ташкилотлар томонидан «Ёшларни огоҳликка даъват этайлик!» шиори остида ўтказилган давра суҳбатида батафсил сўз юритилди.

— Бугунги навқирон авлод вакиллари турли кўринишдаги таҳдидларни теран англаб етмоқда, — дейди O`zLiDeP Хўжайли туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Отабек Қиличов. — Шундай бўлса-да, хотиржамликка берилмасдан, бир қарашда унча сезилмайдиган, пухта ниқобланган хатарлар ҳам мавжудлигини унутмаслигимиз керак. Уларнинг асл моҳиятини фош қилиш учун бу каби маънавий-маърифий тадбирлар кўламини кенгайтиришимиз лозим.

Дарҳақиқат, ёшларни Ватанга муҳаббат, бой тарихимиз, ота-боболаримиз маънавий меросига ҳурмат руҳида тарбиялаш учун, аввало, уларнинг онгу шуурида мафкуравий иммунитетни кучайтириш зарур.

Тадбир якунида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтаришди.

**O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати.**

# БАХТИ КУЛГАН АВЛОДМИЗ

ҚЎЛИМГА ҚАЛАМ ОЛАР ЭКАНМАН, «КЕЧА КИМ ЭДИГУ, БУГУН КИМ БЎЛДИК?» ДЕГАН ҲАҚЛИ САВОЛНИ ЭШИТИБ, ЧУҚУР ЎЙГА ТОЛАМАН. НЕГАКИ, МЕН ВА ТЕНГДОШЛАРИМ СОБИҚ ИТТИФОҚ ДАВРИДА ТУҒИЛМАГАН, ЯШАМАГАН-ДА. АММО, МУДҲИШ ТУЗУМНИНГ ХАЛҚИМИЗ БОШИГА КЕЛТИРГАН КУЛФАТЛАРИ, ТАЛОФАТЛАРИ ТАРИХИМИЗГА ҚОРА ҲАРФЛАРДА ЁЗИБ ҚЎЙИЛГАН. БУНИ БИЗ ЁШЛАР ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАСЛИГИМИЗ ЛОЗИМ.



Бугун-чи? Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч. Биз — ёш авлоднинг баркамол бўлиб улғайишимиз учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Кенг ва ёруғ, замонавий жиҳозланган ўқув даргоҳларида таҳсил олаяпмиз. Мустақиллик бизга ўзлигимизни, фаровон ҳаётни, маънавиятимизни, эркимизни қайтариб берди. Президентимизнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» номли асарини ўқиб, эртанги кун эгалари, яъни биз — истиқлол фарзандларига билдирилган юксак ишончдан қалбим фахр-ифтихорга тўлди.

Дарҳақиқат, юксак билимли, баркамол ёшлар — Ватанимиз равнақининг таянчи. Шундай экан, бизларга кўрсатилаётган ғамхўрликни оқлашимиз, юртимиз байроғини юксакка кўтариш учун бор куч-ғайратимизни сарфлашимиз лозим. Бу эса ҳар биримиздан кучли билим, қатъий ирода ва тинимсиз изланишни талаб этади.

**Гулруҳ МАМАТОВА,**
**Тошкент Давлат аграр университети талабаси.**

## O`zLiDeP вакиллари талабалар ҳузурида

ХАБАР

Жиззах давлат педагогика институтида «Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг бажарилишида O`zLiDeP тузилмалари ва депутатларнинг муҳим вазифалари» мавзуси муҳокамасига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Уни партия вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси аппарати раҳбари Ваҳоб Норбоев кириш сўзи билан очди.

Семинарда O`zLiDeP вилоят Кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбарининг ўринбосари Жаҳонгир Бобобеков, партиянинг Жиззах туман Кенгаши раиси Дилором Йўлдошеванинг маърузалари тингланди. Нотиқлар ўз чиқишларида «Либерализм дарслари» машғулотларини партия тузилмалари таркибида ўтказишнинг аҳамияти», «Ижтимоий шериклик масалаларини кучайтиришда партия ташкилотлари олдида турган вазифалар», «Партия депутатлик гуруҳларининг ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий дастурларни муваффақиятли ижро этишда жамоатчилик билан алоқасини кучайтириш» мавзулари бўйича иштирокчиларга тушунча беришди.

Маърузалар муҳокамасидан сўнг семинар гуруҳларга бўлинган ҳолда ўз ишини давом эттирди. Машғулотларда O`zLiDeP вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг 2016 йилда партиявий ишларни ташкил этишнинг асосий йўналишлари, депутатлик гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги муҳим жиҳатлар кўриб чиқилди.

Ўқув-семинар ниҳоясида тадбирнинг фаол иштирокчилари O`zLiDeP вилоят Кенгашининг сертификатлари билан тақдирландилар.

Реклама ўрнида

## Импорт ўрнида, экспортга муносиб

**Мамлакатимизда саноатни модернизация қилиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, экспортни қўллаб-қувватлаш борасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида юртимизнинг экспорт салоҳияти йилдан-йилга юксалиб бормоқда.**

**Фахриддин НУРАЛИЕВ,**
«XXI asr» мухбири

Бу борада Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан олиб бораётган ибратли ишлар муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда жамғарманинг Сурхондарё вилояти филиали фаолияти ҳудуднинг иқтисодий ривожига салмоқли ҳисса қўшаётгани қувончлидир. Хусусан, филиал вакиллари маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижга йўналтириш, экспорт қилувчиларни эҳтимолли хавф-хатардан ҳимоя қилиш, бошқа мамлакатлар қонунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензия ва сертификатлар олишда ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Жамғарма филиали томонидан биргина жорий йилнинг ўтган ойларида 30 га яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган ҳуқуқий, ташкилий хизматлар натижасида жами 45 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт шартномалари тузишга эришилди. Ушбу шартномалар доирасида йил бошидаёқ умумий қиймати 6,0 миллион АҚШ долларига яқин маҳсулотлар чет эллик ҳамкорларга етказиб берилди.

Вилоятда жойлашган корхоналарнинг экспорт салоҳиятини оширишда чет элда ташкил этилаётган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш жуда муҳимлиги аниқ. Шуни инобатга олган ҳолда, жорий йилнинг январь ойида жамғарма томонидан Германияда ўтказилган «Яшил ҳафта-2016»да вилоят тадбиркорларининг иштирокини таъминлаш ҳудудда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ташқи бозордаги рекламасини самарали амалга оширишда муҳим ўрин тутади. Ушбу йирик кўргазмада вилоятда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қизиқиш билдирилди ва манфаатли келишувларга эришилди.

Бундан ташқари, вилоятнинг барча туманларида тадбиркорлар иштирокида давра суҳбатлари ўтказилиб, жамғарма томонидан кўрсатиладиган хизматлар, тадбиркорлар учун яратилаётган қулайлик, имтиёзлар ва шароитлар кенг миқёсда тарғиб қилинмоқда. Эътиборлиси, 14 нафарга яқин тадбиркорлар жамғарма ва унинг хорижий ҳамкорлари ҳисобидан хорижий ярмарка ва кўргазмаларда қатнашиш истагини билдириб, қўшимча равишда 5 млн. АҚШ долларидан ортиқ экспорт шартномалари имзолаш режалаштирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, филиал томонидан тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбиркорлар экспортига кўмаклашиш, уларнинг муаммоларини тезкор ҳал этиш мақсадида ҳудудларда доимий равишда мулоқотлар уюштирилиб, уларнинг экспорт ва тадбиркорлик фаолиятига оид муаммолари ва саволлари бўйича тегишли маълумот ва тушунтиришлар бериб келинмоқда.

— Вилоятимиз ҳудудида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг хорижда ўз харидорини топаётгани қувонарли, албатта, жорий йилда экспорт ҳажмини кенгайтиришни мақсад қилаётган эдик. Жамғарма томонидан амалга оширилаётган бу каби тадбирлар биз учун айни муддао бўлмоқда, — дейди «Жарқўрғон мева-сабзавот экспорт» МЧЖ директори Э.Бегимқулов. — Жамғарма томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатилиши мамлакатимизда экспорт корхоналарини янада қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Хулоса сифатида айтиш керакки, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Сурхондарё филиали жамоаси хорижий давлатларнинг ташқи савдо амалиёти билан боғлиқ қонунчилик меъёрларини чуқур ўрганиш, жойларда тадбиркорлар билан бевосита учрашувлар ташкил этиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортименти ва турларини, шунингдек, ташқи бозорлардаги рақобатбардошлик даражасини аниқлаш йўлида барча имкониятларни сафарбар этмоқда.

*Хизматлар лицензияланган.*

Қутлов







Реклама ўрнида

# Сифат — маҳсулот кўзгуси

**Мамлакатимизда сўнгги йилларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ёки хориждан импорт қилинаётган маҳсулотларнинг сифати, уларнинг истеъмол учун яроқлилигига катта аҳамият қаратилаяпти.**

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI ASR» мухбири

Айниқса, Президентимизнинг 2013 йил 29 январдаги «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб кирилишига қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Қарорига кўра 2013 йилнинг 1 июлидан бошлаб республикамизга четдан келтириладиган озиқ-овқат товарлари, шахсий гигиена буюмлари, айрим истеъмол товарларида уларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан давлат тилидаги маркировкаси бўлиши шартлиги қатъий белгилаб қўйилгани ички бозоримизни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилишга катта ҳисса қўшди. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 майда «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб киришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан эса маркировкага эга бўлиши шарт бўлган озиқ-овқат товарлари, шахсий гигиена буюмлари, гўшт ва сут маҳсулотлари, табиий асал, мева ва сабзавотлар ҳамда уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар, ёғ ва ўсимлик мойлари, шакар ва қандолат маҳсулотлари, шоколад ва какаоли маҳсулотлар, пишириқлар, алкоголли ва бошқа ичимликлар, туз, шу билан бирга тамаки маҳсулотлари, дори-дармонлар, пиротехника воситалари, ошхона идишлари ва анжомлари, маиший техника буюмлари, болалар ўйинчоқлари сингари 44 гуруҳдаги маҳсулот аниқ белгилаб қўйилди. Шунингдек, маиший кимё ва шахсий гигиена масҳулотларининг турлари қарорда янада аниқлаштириб қўйилди. Бу ҳам мамлакатимизда истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш борасидаги муҳим ҳужжат бўлди, дейиш мумкин. Сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш аввало ишлаб чиқарувчи, қолаверса, уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган минглаб турдаги маҳсулотлар сифатини барқарор таъминлашда эса «Ўзстандарт» агентлиги ва унинг ҳудудий ташкилотларининг ўзига хос ўрни бор, десак муболаға бўлмайди.

«Тошкент синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси директори Жаҳонгир Пўлатов:

— Сифат — маҳсулот кўзгуси, деганларидек, сертификатлаштирилган маҳсулотларнинг белгиланган меъёрий ҳужжат талабларига мувофиқлигини мунтазам назорат қилиш мақсадида марказнинг «Сертификатлаштирилган маҳсулотлар устидан инспекция назорати» бўлими томонидан 1062 та лицензион келишув бўйича инспекция назорати ўтказилиб, 52 та лицензион шартнома бўйича мувофиқлик сертификатларининг амал қилиш муддатлари вақтинча тўхтатилиб, 90 та лицензион шартнома бўйича мувофиқлик сертификатларининг амал қилиш муддати бекор қилинди. Корхоналарнинг мурожаатига асосан 23 та мувофиқлик сертификати устидан навбатдан ташқари ўтказилган инспекция назорати натижасига кўра қайта расмийлаштирилди. Меъёрий ҳужжат талабларига жавоб бермагани боис 22 турдаги, хусусан машинасозлик, электротехника, енгил саноат, қурилиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари номувофиқ деб топилди. Президентимизнинг 2012 йил 26 мартдаги «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтган 2015 йил мобайнида 86 та корхонада сифатни бошқариш тизими жорий этилди ва сертификатлаштирилди.

Марказнинг автотранспорт воситалари синовини ўтказишга мўлжалланган «ТТМ-2-01», яъни «Уч ўлчамли Манекен» — ҳаво ҳарорати ва тезлигини аниқлаш ускунаси, пластик ҳамда резина эҳтиёт қисмлар қаттиқлиги синовини ўтказишга мўлжалланган ускуналар харид қилинди. Шунингдек, кимё-биология синов лабораторияси учун харид қилинган «Атом-абсорбцион спектрометри — (ААС Analitikjena, Германия), юқори эффектив суюқлик хроматографи (ВЭЖХ, Agilent Technologies) ускуналари ёрдамида сувдаги, айниқса, ичимлик сувидаги оғир металл қолдиқлари, кимёвий бирикмаларни ИСО стандарти талаблари асосида аниқлаш имконияти яратилди. Бундан ташқари Тошкентдаги «Зафари» божхона постида автотранспорт воситалари эҳтиёт қисмларининг ихтисослаштирилган синов лабораториясини ташкил этиш устида ҳам иш олиб борилаяпти.

— Ўтган йили ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган «Ҳужжатларнинг электрон айланмаси» дастури марказимизга тадбиркорлар ва истеъмолчилардан келиб тушган ва тушаётган мурожаатларнинг ижро муддатини эслатиб туриш имконини яратди, — дейди марказ директори Жаҳонгир Пўлатов. — Шунингдек, бажарилган ишларнинг далолатномаси ва расмийлаштирилаётган хат ёки мувофиқлик сертификатларининг электрон шакли нусхалари архивини яратиш ҳам ушбу дастур орқали амалга оширилмоқда. Бунинг учун эса марказимизнинг электрон манзили (сайти) доимий тарзда ишлаб турибди. Бундан ташқари тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар, шунингдек истеъмолчиларнинг 0-371 150-38-88 рақамли «Ишонч телефони»миз ҳамда веб-сайти орқали қилган мурожаатларига ҳам қисқа муддатларда жавоб қайтарилаяпти.

***Хизматлар лицензияланган.***

# Шундайлар бор...



2015 йилда камбағалликда кун кўрувчи Лотин Америкаси аҳолиси сони 175 млн.гача ошди, ёки 2014 йилдагига нисбатан 7 млн. кўпроқ одамни ташкил қилди. Бу ҳақда Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси бўйича иқтисодиёт комиссияси (ЭКЛАК) ҳисоботида айтилди. Ташкилот мутахассисларининг баҳолашича, улардан камида 75 млн. нафари жуда ночор аҳволда яшамоқда. ЭКЛАК маълумотларига кўра, 2010 йилдан 2014 йилгача Уругвайда камбағаллар сони энг кўп миқдорда, яъни 14,9 фоизга камайган. Ундан кейин Перу, Чили ва Бразилия келмоқда, бу давлатларда камбағаллар сони мос равишда 9,8, 9,1 ва 7,9 фоизга камайган. Бу орада Гондурас, Мексика ва Венесуэлада камбағаллар сони 2-5 фоиз атрофида ўсган. Мексиканинг ижтимоий ривожланиш сиёсатини баҳолаш миллий кенгаши маълумотларига кўра, 2012 йилдан 2014 йилгача мамлакатда ночорликда яшовчилар сони 53,3 млн.дан 55, 3 млн.гача ошган. Бироқ, баъзи экспертларнинг айтишича, Мексикада камбағаллар сони расмий кўрсаткичлардан деярли 2 марта кўпроқни ташкил қилади. Ваҳоланки, Мексикада 122 млн.дан кўпроқ одам яшаши ҳисобга олинса, бу давлатда камбағалларнинг реал улуши умумий аҳолининг 84,3 фоизини ташкил қилади.

# «e-yoshlar»да Наврўз» виртуал акцияси

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАШАББУСКОР ВА ФАОЛ ЁШЛАР САЪЙ-ҲАРАКАТИ ТУФАЙЛИ ЖАҲОН ТРЕНДИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ.




Турли соҳаларда фаолият олиб борувчи, хорижда ва маҳаллий олий таълим муассасаларида таълим олувчи ўзбекистонлик фаол ёшлар ижтимоий тармоқ имкониятларидан фойдаланган ҳолда Наврўз байрамини ўзгача усулда нишонлашди.

e-yoshlar.uz сайтининг ўзига хос «ташриф қоғозлари»дан бири ҳисобланган #NavrUZ хеш-тегининг ижтимоий тармоқларда кенг ёйилиши Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги шаҳар ва туман марказларидаги байрам тантаналари билан ҳамоҳангликда олиб борилди. Жойларда фаолият юритган «Мобиль мухбирлар» томонидан «e-yoshlar»да Наврўз» виртуал акцияси доирасида он-лайн фото, видео репортажлар узлуксиз жўнатиб турилди ва жаҳон оммасига виртуал тарзда ҳавола этилди.

Акциянинг муҳим қисмларидан бири бўлган - #NavrUZ хеш-тегини дунё трендига чиқариш мақсади ҳам амалга оширилди. Соат 12:00дан 18:00 гача бўлган вақт давомида 270 мингдан ортиқ твит ёзилиб, ўзбекистонлик Твиттер фойдаланувчилари рекорд натижа билан (соат 16:00 дан 17:00гача 115 мингга яқин твит) яна бир бор дунё трендига чиқишди.

«e-yoshlar»да Наврўз» виртуал акцияси қамрови жиҳатидан 13 млн. 100 минг кишини ўз ичига олди. Бутун акция давомида 8 млн.га яқин фикр ёзилди. 2 млн. 100 минг нафар киши байрам тантаналари ўтказилаётган майдонлар, турли истироҳат боғларида ўтказилган акциялар давомида «e-yoshlar»да Наврўз» лойиҳасининг бевосита иштирокчиси ёки кузатувчисига айланишди. Ижтимоий тармоқларда 3 млн.дан зиёд фойдаланувчи виртуал акцияда фаол иштирок этди. Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, лойиҳа давомида ҳудудлардан акцияни ўтказиш штабига келиб тушган материаллар сони 21 минг (видео, аудио, матн ва фотосуратлар)дан зиёдроқни ташкил этди.

Тўлақонли байрамона «веб-сайил»га айланган виртуал акциядан кўзланган асосий мақсад эса Наврўз байрамини ҳам кенг жамоатчилик, ҳам виртуал оламда бутун дунё аҳли билан нишонлаш ва унинг асосида «E-yoshlar.uz» сайти тақдимоти ва тарғиботини ташкил этиш, ёшларимизни ушбу сайт имкониятлари ва имтиёзларидан хабардор қилиш, юртимизда рўй бераётган жараёнларга бефарқ бўлмасликка чорлаш, миллий қадриятларимиз ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ёшлар қалбида Ўзбекистон фарзанди эканлигидан фахрланиш туйғусини янада оширишдан иборат.

# Энг улкан ҳаво кемаси



Hybrid Air Vehicles Британия компанияси дунёдаги энг катта ҳаво кемаси - дирижабль Airlander 10’ни намойиш этди. Улкан учар мослама 22 март куни Кардингтон аэродромида ердан бир метр баландликка кўтарилди. Яқин ойларда унинг биринчи синов парвозлари режалаштирилган. Airlander 10’нинг узунлиги 92 метр, бу дунёнинг энг катта самолёти - Ан-225 «Мрия»дан 8 метрга узунроқ. Тезлиги соатига 150 километр. Самолёт, вертолёт ва дирижабль кўриниши ва хусусиятларига эга, гель билан тўлдирилган ушбу учиш мосламаси аввалига Америка армияси учун мўлжалланган эди. Бироқ мудофаа бюджетига ажратилган маблағнинг қисқариши оқибатида шартнома бекор қилинган, учоқ эса Hybrid Air Vehicles компаниясига қайтарилган эди. Шундан сўнг британияликлар уни тижорат соҳасига йўналтиришга қарор қилишди. Airlander 10 яратувчилари ундан сайёҳлик ва юк ташиш мақсадларида фойдаланишни режалаштиришган. Аппарат вертикал ҳолатда ҳам уча олади ҳамда ҳар қандай юзага, жумладан, муз, қум ва сув юзасига ҳам қўна олади. Шунингдек, дирижабль шовқинсиз ва атроф-муҳитга безиён. Airlander 10 ҳавода беш кун давомида уча олади. Hybrid Air Vehicles компанияси 2018 йилгача 12 та дирижабль қуришни режалаштирган. Синовда 200 соат учгандан кейин компания тижорат парвозларига рухсат беради.

***Интернет хабарлари асосида тайёрланди.***

# «ITB Berlin-2016» сайёҳлик кўргазмаси якунланди

ЖОРИЙ ЙИЛ 9-13 МАРТ КУНЛАРИ ГЕРМАНИЯ ПОЙТАХТИДА БЎЛИБ ЎТГАН «ITB BERLIN-2016» САЙЁҲЛИК КЎРГАЗМАСИ ҲАМ ЯКУНИГА ЕТДИ.




Ушбу кўргазмада «Ўзбектуризм» миллий компанияси бошчилигида юртимизда фаолият олиб бораётган 13 хусусий сайёҳлик компаниялари вакиллари иштирок этди. Хусусий компаниялар германиялик ҳамкасблари билан ҳамкорлик масалалари бўйича музокаралар олиб боришди.

Таъкидлаш лозимки, «Ўзбекистон» стенди ушбу йилги кўргазма учун махсус дизайн асосида қурилган бўлиб, меҳмонлари эътирофига сазовор бўлди. Шу билан биргаликда, кўргазма давомида туризм соҳаси тадбиркорларига юртимиз ҳақида тасаввурларини янада бойитиш мақсадида бир қатор тадбирлар ҳам уюштирилди. Жумладан, миллий раққосалар ижроси ёрдамида юртимиз анъанавий мусиқа, рақс ва либосларини тарғиб этишга эришилди.

Мамлакатимиз стендини ташкил этишда «Ўзбектуризм» миллий компанияси Берлин кўргазмаси меҳмонларига юртимизнинг бой маданий меросини кўпроқ намойиш қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Шу сабабдан стендимизда амалий санъат маҳсулотлари (матолар, сопол ҳайкалчалар, чинни идишлар) намойиш этилди, миллий миниатюра мактабимиз ютуқларини акс эттирувчи маҳорат дарслари ҳам ўтказилди.

Айтиш мумкинки, Берлин сайёҳлик кўргазмаси натижалари йил давомида хорижликларнинг юртимизга бўлган қизиқишини янада орттиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

**«Туркистон-пресс»**

Қутлов







Реклама ўрнида

# Қийналиб юрмайсиз

**Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан 2015 йил 30 октябрда қабул қилинган «Маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қўшма қарори маиший истеъмолчилар учун бир қатор имтиёз ва қулайликлар яратди.**

Ушбу қарорга кўра, амалиётда бўлган электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш **даврийлигини назорат қилиш ва уни амалга ошириш масъулияти истеъмолчи зиммасига тушмайди.** Шунингдек, электр таъминоти корхонаси ўзининг маълумотлар базаси орқали ҳар бир ҳисобга олиш приборининг қиёслашлараро интервал муддати ўтишини кузатиб боради, истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборларини даврий қиёслашдан ўтказиш ўз вақтида амалга оширилиши учун жавобгар ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, истеъмолчи ва электр таъминоти корхонаси ўртасидаги қатор англашилмовчилик ва зиддиятлар ўз ечимини топди.

Ҳисобга олиш приборининг қиёслашлараро интервал муддати тугашидан камида бир ой олдин, белгиланган режа-жадвал асосида электр таъминоти корхонасининг ваколатли электротехник ходими томонидан истеъмолчига хабарнома тақдим этилади. Яъни, хабарномада приборнинг қиёслашлараро интервал муддати тугайдиган вақт, приборни қиёслашдан ўтказиш учун тариф бўйича тўланиши белгиланган сумма, приборни ечиб олиш учун электр таъминоти корхонаси ваколатли ходими борадиган кун ҳамда хабарнома юбораётган электр тармоқлари корхонасининг банк реквизитлари кўрсатилиши лозим. Хабарномага приборни қиёслашдан ўтказиш учун тариф бўйича тўланиши лозим бўлган сумма кўрсатилган тўлов ҳужжати илова қилинади. Қарорга кўра, кам таъминланган истеъмолчилар ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш учун тўланиши лозим бўлган суммани 6 ой давомида тўлашлари мумкин. Истеъмолчининг ҳисобга олиш приборини ечиб олиш, қиёслашдан ўтган ҳисобга олиш приборини истеъмолчига етказиб бериш ҳамда унинг қиёслашдан ўтказилганлигини исботловчи, Давлат метрология хизмати органи томонидан берилган сертификатнинг аслини истеъмолчига топширган ҳолда жойига ўрнатиш ЭТКнинг ваколатли ходими томонидан амалга оширилади.

ЭТКда қиёслашдан ўтказилган ҳисобга олиш приборининг алмаштириш фонди мавжуд бўлганда, истеъмолчининг прибори ечиб олингандан сўнг, унинг ўрнига алмаштириш фондидан белгиланган тартибда қиёслашдан ўтган прибор ўрнатилади ва сертификат расмийлаштириб берилади. Мабодо, ЭТКда бундай фонд мавжуд бўлмаса, истеъмолчининг электр қурилмалари электр тармоқларига тўғридан-тўғри улаб қўйилади. Бундай ҳолатда, фойдаланилган электр энергияси учун истеъмолчи қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда тўловни амалга оширади.

Ўз навбатида, мазкур қарорда Давлат метрология хизмати органи зиммасига ҳам бир қатор мажбуриятлар юкланган. Жумладан, ЭТК томонидан қиёслашга топширилган электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари 3 иш куни мобайнида қиёслашдан ўтказиб, сертификатлаштирилган ҳолда қайтарилиши кўрсатилган.

Ҳисобга олиш прибори кайта қиёслашдан ўтказилганда ҳам, фойдаланишга яроқсиз деб топилган ҳолда ҳам истеъмолчига белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ўлчов воситаларининг давлат реестрига киритилган ва Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими билан бирга ишлай оладиган бошқа ҳисобга олиш прибори электр тармоқлари корхонаси томонидан ўрнатиб берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги қарори билан тасдиқланган электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларида назарда тутилган электр энергиясини ҳисобга олиш приборини бузиш ҳолатлари истеъмолчининг айби билан содир этилганда, уни алмаштириш, қиёслашдан ўтказиш, таъмирлаш, ўрнатиш харажатлари, шунингдек, кўрсатилган хизматлар ҳақи истеъмолчи томонидан тўланади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қарорнинг қабул қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади инсон омилига хизмат қилишига қаратилганлигининг яна бир ёрқин исботидир.

**Маъмуржон АҲМАДОВ,**
**Навоий синов ва сертификатлаштириш Маркази ДК етакчи мутахассиси.**

*Хизматлар лицензияланган.*

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

## *Садағанг кетай, кўнгил...*

**— Неча ўн йилларки, классик шоирларимиз бўлмиш Алишер Навоий, Шайх Нажмиддин Кубро, Мирзо Бобур, Паҳлавон Маҳмуд, Шермуҳаммад Мунис, Мирзо Бедил, Комил Хоразмий, Рожий, Аҳмад Табибий, Муҳаммад Ризо Огаҳийларнинг мумтоз ижод намуналарини таҳлил ва талқин этиш билан бирга уларнинг кўнгил кечинмаларини ҳам бизнинг юрагимизга сингдиряпсиз. Хўш, энди бир сирни айтинг-чи, неча асрларки бутун дунё маърифат аҳлини ҳайратга солиб келаётган ул зотлар излаган ва истаган ҳақиқатлар не экан?**

— Эҳ дўстим-а, қанийди, қуёшдек бўлсангу, жимгина нур сочаверсанг. Бунинг учун олов ўзингдан бўлиши керак-да. Ойдек нурни қуёшдан олсанг... буям яхши. Лекин қуёш бўлмоқ осонми? Қуёш бу — меҳр, Ой бу — мурувват. Юқорида сиз муборак номларини санаган улуғларни қуёшга менгзасам, ҳеч шубҳасиз арзийди!

Одам қорнига эмас, қадрига йиғлайди, деган гап бор, халқимизда. Ўйланг, одамнинг қорни насибасига яраша топган ҳақи эвазига бир бурда нон билан ҳам тўяди. Лекин кўнгилни тўйдириш қийин-да. Бир қарашда бу ҳам оппа-осондай туюладию... садағанг кетай кўнгилни тўйдириш учун аввал уни...топиш керак-ку!

Ҳеч эсимдан чиқмайди, дўстларимдан бирининг фарзанди бетоб бўлиб қолганида уни шифохонага ётқизишди. Дўхтирлар қўлларидан келгунича елиб-югуриб, дардни шукрки, чекинтиришди. Лекин боланинг юзи очилмади, ғамгин, тунд, руҳи эзгин эди. Отаси бечора ҳам сиқилиб «Намунча қисинасан ўғлим, мана, тузалиб қолдинг-ку» деса, у «Отажон, дўхтирларга айтинг, менга бир оғиз бўлсаям яхши гап айтсин» деб илтимос қилибди... Шу маънода айтмоқчиманки, ўзбек адабиётининг, ўлмас шеъриятининг фахри, ғурури тимсолига айланган ана шу шоирларимиз излаган ҳақиқат битта, яъни КЎНГИЛ ҲАҚИҚАТИ эди!

**Матназар АБДУЛҲАКИМ гурунгларидан.**



# ҒАЛАБА КЕРАК, ФАҚАТ ҒАЛАБА

БУГУН СОАТ 18:00ДА МУҲТАШАМ «БУНЁДКОР» СТАДИОНИ ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ-2018 ИККИНЧИ САРАЛАШ БОСҚИЧИ ДОИРАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН – ФИЛИППИН УЧРАШУВИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ.

Баҳсни япониялик ҳакам Сато Рюжи бошқариб боради. Унга қанотларда Сагара Тору ҳамда Очи Шинжи ёрдам беради. Тўртинчи ҳакам – Пу Удом Сивакорн (Таиланд).

Эслатиб ўтамиз, терма жамоамиз Н-гуруҳида битта ўйин кам ўтказгани ҳолда 15 очко жамғариб, КХДРдан сўнг иккинчи ўринда бормоқда.

## «Uzbek Tigers» яна тенгсиз

Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA)нинг Бутунжаҳон бокс серияси (WSB) ва ярим профессионал боксчилар (APB) йўналишлари бўйича турнирлар ўтказилди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Бокс федерацияси ҳамда Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган турнирда Ўзбекистон, Озарбайжон, Ирландия, Туркия, Эрон боксчилари рингга кўтарилди.

WSB йўналишидаги баҳсларда мамлакатимизнинг «Uzbek Tigers» ва Озарбайжоннинг «Azerbaijan Baku Fires» жамоалари ўзаро куч синашди. Унда боксчиларимиз 5:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

## Бўлажак мусобақалар олдидан

**Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг йўлланмалари учун рейтинг очколар ўйналадиган мусобақаларга қизғин ҳозирлик кўришмоқда.**

Полвонларимиз 25-27 март кунлари Тбилиси (Грузия), 1-3 апрелда Самсун (Туркия) ва 13-15 майда Алмати (Қозоғистон) шаҳарларидаги Гран При туркумига кирувчи турнирларга, шунингдек, 15-17 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган Осиё чемпионати, 6-8 май кунлари Боку шаҳри (Озарбайжон)да ўтказиладиган «Улкан тож» турнири ва ниҳоят 27-29 майда Гвадалахара шаҳридаги (Мексика) «Мастерс» туркумига кирувчи йирик мусобақага жиддий тайёргарлик кўришмоқда.

Олимпиада ўйинларининг йўлланмалари учун саралаш мусобақалари шу билан якунига етади ва Халқаро дзюдо федерацияси томонидан «Рио-2016» ўйинларига йўлланма олган полвонларнинг номлари эълон қилинади.

## Йўлланмалар биттага кўпайди

Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Дилшод Турдиев шу йилги Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмалари ўйналаётган Астана шаҳридаги Осиё саралаш турнирида кумуш медалга сазовор бўлиб, «Рио-2016» ўйинларига йўлланмани қўлга киритди.

Вазни 75 кг.гача бўлган полвонлар мусобақасида гиламга тушган маҳоратли спортчимиз чорак финалда япониялик Шохей Ябикуни 9:0, ярим финалда қирғизистонлик Атабек Азисбековни 5:4 ҳисобида мағлуб этиб, финалга чиқди.

Қоидага кўра, ушбу турнирда финалга қадар етиб келган спортчилар Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритишади. Ўз олдига қўйган асосий мақсадга эришган Дилшод ҳал қилувчи беллашувда кореялик Хьёнву Кимга имкониятни бой берди.

## Жўрабек — халқаро турнир ғолиби

**Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида ITF туркумига кирувчи анъанавий халқаро турнир ниҳоясига етди. Ўсмирлар ўртасидаги яккалик баҳсларининг ҳал қилувчи финал учрашувида ҳамюртларимиз Жўрабек Каримов ва Ҳумоюн Султонов ўзаро тўқнаш келиб, якунда Жўрабек 3:6, 6:0, 6:1 ҳисобида зафар қучди ва бош совринни қўлга киритди. Қизлар ўртасида ўтказилган яккалик баҳсларининг ҳал қилувчи финал учрашувида эса беларуслик Юлия Хатукани 6:3, 6:1 ҳисобида енгган россиялик Амина Аншба ғолибликка эришди.**

### СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

***Дорихоналарда ўрта маълумот билан ҳам ишлашга рухсат берилибди, деб эшитдим. Шу ростми?***

М. Тўрабоева, коллеж талабаси.

**Ушбу саволга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Мавлуда Ходжаева жавоб беради:**

— Бугунги кунда мамлакатимизда тиббиёт коллежларини фармацевтика йўналиши бўйича тугатаётган ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Уларни иш билан таъминлаш масаласи эса устувор вазифалардан бири саналади. Шуни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг «Дорихона» деб номланган 21-моддасидаги «Дорихона мудири олий фармацевтик маълумотга эга бўлиши керак. Дорихона филиалининг мудири фармацевтик маълумотга эга бўлиши керак», деган норма киритилди. Бундан кўриниб турибдики, тиббиёт коллежларини фармацевтика йўналиши бўйича тугатган ёшлар дорихона филиалида мудирлик вазифасида ишлаши мумкин.

Эълон

### СИЗГА ҲАМКОР ВА МАДАДКОРМИЗ!

**«Бекобод синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси барча юртдошларимизни яшариш ва янгиланиш байрами — Наврўзи олам билан муборакбод этади!**

Азиз тадбиркорлар! Марказимиз тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардош, сифатли, дунё андозалари талабларига тўла жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариши, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиши, экспорт ҳажмини кўпайтиришида Сизларга яқин ҳамкор ва мададкордир!

Корхонангизда Халқаро ISO 9001 — «Сифатни бошқариш тизими»ни жорий этишингиз, шунингдек, ишлаб чиқараётган ёки импорт маҳсулотларга мувофиқлик сертификати олишингизда марказимизнинг малакали мутахассислари, эксперт-аудиторлари Сизга маслаҳат ва ёрдам беришади.

Хонадонингиз, корхонангизда мавжуд бўлган ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан тез ва сифатли ўтказиш учун ҳам мутахассисларимизга мурожаат қилишингиз мумкин.

Қадрли тадбиркорлар, азиз истеъмолчилар!

Сиз «Бекобод синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасининг 0 370 913-32-05 рақамли «Ишонч телефони» ёки www.bekobodssm.uz веб-сайтимиз орқали бизга мурожаат қилиб, ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишингиз мумкин. Сизнинг мурожаатингиз мутахассисларимиз томонидан беэътибор қолмайди. Чунки биз Сизга мададкормиз!

**«Бекобод синов ва сертификатлаштириш маркази» Давлат корхонаси**

**Манзилимиз:** Бекобод шаҳри, Хотира кўчаси, 116 уй.
**e-mail:** bekobodssm@rssm.uz

**Телефонимиз: 0 370 913-31-74, факс: 913-32-05.**

*Хизматлар лицензияланган.*

### «XXI asr» дан 21 совға! АКЦИЯСИ

«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан **«XXI asr» дан 21 совға!»** деб номланган махсус акциясини эълон қилади!

Акцияда иштирок этиш учун сиз газетага камида 6 ой муддатга обуна бўлишингиз керак. Обуначилар таҳририят шартномаси ва тўлов топшириқномаси ҳамда таҳририят ҳисоб-рақамига тўланган чекларни бизга тақдим этишларининг ўзи кифоя. Ҳар 25-обуначи истиқлолнинг 25 йиллиги байрами арафасида таҳририятнинг **махсус совғасига** эга бўлади.

Йиғилган тўлов ҳужжатлари мустақиллик байрами арафасида лотерея кўринишида аниқланади ва 21 иштирокчига қимматбаҳо **совға** тақдим этилади.

Ғолибларнинг исми-шарифи «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетасининг Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамига бағишланган сонида эълон қилинади.

**АКЦИЯДА ИШТИРОК ЭТИБ, ОМАДИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ.**

Таҳририятдан шартнома ва қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги рақамларга қўнғироқ қилишингиз мумкин.
**Қабулхона: (0371) 215-63-80**
**Обуна ва реклама бўлими: (0371) 255-68-50**
**Ҳисобхона: (0371) 255-45-08**

**Банк реквизитлари: АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Тошкент вилояти филиали ҳисоб-рақами 20208000904296447001, МФО: 00987, ИНН: 204746574**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73 а уй.**

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Айгул Сатторовага падари бузруквори
**ЮСУФБОЙ ОТА**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Реклама ўрнида

IPOTEKA BANK

## Тадбиркорлик кафолати

■ **Мусурмон РЎЗИЕВ,** «XXI asr» мухбири

Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида аҳоли учун сифатли ва замонавий банк хизматларини кўрсатиш, янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли даромадларини оширишда иқтисодиётнинг барча тармоқларини, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу боис, «Ипотека банк» АТИБ жамоаси зиммасига юксак масъулият юкланиб, банкнинг ушбу жараёнлардаги иштироки янада фаоллашмоқда.

Молия хизматлари бозорида ўз етакчи мавқеини мустаҳкам сақлаб келаётган «Ипотека банк» АТИБ жамоаси ва унинг жойлардаги филиаллари юртимиз иқтисодиётининг барча тармоқларини ривожлантириш билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

**П. Рахманов, «Кристал-Бекобод» МЧЖ раҳбари:**

— Мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга Давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳамда ҳудудларда саноат соҳасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни зарур маблағ билан таъминлашда республикамиздаги тижорат банклари фаол иштирок этиб келмоқда.

Ҳудудлардаги тижорат банклари томонидан биз тадбиркорларга ниҳоятда катта амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Қисқа муддат ичида кредит олиш имконияти яратилгани қувонарли. Ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиб, шаҳримиз аҳолисини сифатли нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 2015 йилда «Ипотека банк» АТИБ Бекобод филиалидан асбоб-ускуна сотиб олиш учун 250,0 миллион сўм миқдорида кредит маблағи олдим. Ушбу кредит натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, қўшимча янги иш ўринлари яратишга эришдик.

Тадбиркор сифатида банкнинг кўрсатаётган хизматларидан мамнунман. Келажакда янги лойиҳалар бўйича бир нечта режаларим бор. Бу борада албатта «Ипотека банк» АТИБга мурожаат қиламан.

**М. Марасулова, «Сардор Охун файз» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Мамлакатимиз аграр сиёсати қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми ва самарадорлигини ошириш, қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш ва уларнинг турмуш даражасини юксалтириб боришдек улкан ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ўз ичига олади. Шу боис ҳукуматимиз томонидан иқтисодиётимизнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган ушбу тармоқнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада ошириш бўйича қатор хайрли ишлар олиб борилмоқда.

Мен ҳам 2013 йилда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, балиқчилик фаолияти билан шуғулланиб, Бекобод шаҳар ва туман аҳолисини сифатли балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини имкон қадар қондиришга ҳаракат қилиб келмоқдаман. Фаолиятимни кенгайтириб, айланма маблағларни тўлдириш мақсадида «Ипотека банк» АТИБ Бекобод филиалига 500,0 миллион сўм миқдорида кредит сўраб мурожаат қилдим. Банк ходимлари мурожаатимни кўриб чиқиб, қисқа муддат ичида имтиёзли шартлар асосида 500,0 миллион сўм миқдорида кредит маблағи расмийлаштириб беришди. Олинган маблағ эвазига фаолиятимизни кенгайтириб, қўшимча янги иш ўринлари яратишга эришдик.

Оммавий тадбиркорлик ҳаракати туфайли юртимиз яшнамоқда, мамлакат куч-қудрати ортиб, халқимиз ҳур ва фаровон ҳаёт кечирмоқда. Бундай олижаноб саъй-ҳаракатларга барча тадбиркорлар қатори мен ҳам самарали улуш қўшаётганимдан хурсандман. Бунда бизга, албатта, «Ипотека банк» молиявий кўмаги қанот бўлмоқда.

Қисқаси, мамлакатимизда пул-кредит муносабатлари такомиллаштирилаётгани самара бермоқда. «Ипотека банк» жамоаси жорий йилда янада катта режаларни кўзлаган. Мижозлар сафини кенгайтириш, уларга замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар ишга солинаяпти.

***Хизматлар лицензияланган.***

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР:** Норқобил ЖАЛИЛОВ.
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.
**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** xxi_asr@umail.uz

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Буюртма рақами: S 5482 Тираж: 15420
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.
**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**
ISSN 2181-497X
Навбатчилар: Б.ИСРОИЛОВ, Ф.НУРАЛИЕВ.